



ЯНГИ ҚОНУН ТАЪЛИМНИ ЯНГИ БОСКИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ 3



ЎЗБЕКИСТОН ХАРБИЙЛАРИ ҒОЛИБЛАР САФИДА 4



КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИДА... 5



ТИРИКЛИК ҚАЛҚОНИ 8



№ 31
2020-yil, 9-sentabr
Chorshanba (32.626)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan

O'zbekiston OVOZI

Улуглардан улугимсан, Ватаним!



Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Ёки миллатнинг бурч ва масъулияти ҳақида ўйлар

ХУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГАН ОДАМ ҲАҚИҚАТНИНГ ЮЗИГА ТИК ҚАРАЙДИ. ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИНИ ЎЗ МАНФААТИДАН УСТУН ҚЎЯДИ. У ФАҚАТ БУГУН УЧУН ЭМАС, ЭРТА УЧУН ҲАМ ЯШАЙДИ. УНИНГ ЗИММАСИДА АВЛОДЛАР МАСЪУЛИЯТИ ҲАМ БОР. КЎРДИНГИЗМИ, ХУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНИ АНГЛАГАН ИНСОН ҚАНЧАЛИК ҚУДРАТГА ЭГА БЎЛАДИ.

2



Олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга кириш учун ўтказилаётган тест синовлари республикадаги 65 та объектда (48 та стадион ва 17 та хиёбонда) ўтказилмоқда.

Имтиҳонлар 1-сменада соат 08.00 да бошланиб, 11.00 да тугайди. 2-сменада 17.00 да бошланиб, 20.00 да тугайди. Тест синовларида бир кунда 118 мингга яқин абитуриент иштирок этиши режалаштирилган.

ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР

Самарқанд давлат университетиде жамоатчилик назорати остида ҳолис, шаффоф, адолат мезонлари асосида бўлиб ўтмоқда



4



Соғлиқни сақлаш вазирлиги: СОҒАЙИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ОШГАН, АММО БУ ХОТИРЖАМЛИКНИ АНГЛАТМАЙДИ

Сўнгги кунларда шифокорларимизнинг матонатли саъй-ҳаракатлари туфайли коронавирусга чалинган беморларнинг соғайиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Жумладан, жорий йил август ойининг 2- ва 3-ўнқунлигида вазият тахлил қилинганда, мамлакатимиз бўйлаб касаллик қайд қилиниши ва даволанишида бирмунча ижобий кўрсаткичларга эришилганини кўриш мумкин.

Жумладан, соғайиш кўрсаткичи сўнгги 25 кун ичида 73 фоиздан 94 фоизгача ўсиб, қарийб 18 минг нафар бемор соғайди.

– Ушбу ижобий кўрсаткичлардан хотиржамликка берилмаслигимиз керак, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Фаррух Шарипов. – Тахлил эътиборини бўлсаки, охириги 5-6 кундаги статистикага кўра, 26 августдан бошлаб тез ёрдам хизматига мурожаатлар сони 29,3 мингдан, 34,2 минггача ошган. Ушбу мурожаатларнинг ўткир респиратор билан боғлиқ сони 2,2 мингдан 3,0 минггача ошди. Тана ҳарорати ошгани сабаб қабурувлар эса 2,5 мингдан 3,5 минггача кўпайган.

Шу билан бирга, амбулатор-поликлиника муассасаларига артериал босимнинг кўтарилиши, ортиқча вазн, қандли диабет каби хасталиклар билан мурожаатлар кўпайган. Пневмония белгилари сабаб қилинган мурожаатлар сони 244 нафардан 305 нафаргача ошганини ҳаммани яна бир бор огоҳ, ҳушёр бўлишни, шунингдек, карантин талабларига қатъий амал қилишни таъкидлаш керак.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Янги туманларни ташкил қилиш ҳақидаги қарорларнинг зарурати ва аҳамияти шундаки, бошқарувда турли бюрократик тўсиқлар бартараф этилади, ҳудуд ҳолатидан келиб чиқиб, замонавий ёндашув асосида иш олиб бориш унинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

2

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

COVID-19 касаллигига чалинган **43975** нафар беморнинг қайд этилиши ва соғайганлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар жадвали

2020 йил 7 сентябр, соат 23:30 ҳолатига

Ҳудудлар	Қайд этилиши	Соғайганлар	Ҳисса	В.э.
Қорақалпоғистон Респ.	461	444	96%	5
Андижон вилояти	1239	1201	97%	2
Бухоро вилояти	1061	1021	96%	8
Жиззах вилояти	163	146	90%	7
Қашқадарё вилояти	983	941	96%	12
Навоий вилояти	510	498	98%	6
Наманган вилояти	934	893	96%	5
Самарқанд вилояти	1778	1654	93%	5
Сирдарё вилояти	761	728	96%	2
Сурхондарё вилояти	640	610	95%	7
Фарғона вилояти	343	337	98%	1
Хоразм вилояти	484	475	98%	2
Тошкент вилояти	7883	7564	96%	43
Тошкент шаҳри	26735	25082	94%	249

Жами: 43975 41594 94% 354

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги

2020 йил сентябрь ойида қуйидагиларга бир марталик 500 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади:

- моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг руҳиятлари ("темир дафтар")га киритилган оилаларнинг 16 ёшга тулмаган болаларига
- боқувчисини нуқотганлик пенсияси еки нафақасини олувчи оилаларнинг 16 ёшга тулмаган болаларига
- ногиронлиги бўлган 16 ёшга тулмаган болаларга

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан транспорт воситасини ушлаб туришни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Аввалроқ мазкур лойиҳа Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракцияси йиғилишида ҳам атрофлича кўриб чиқилган эди. Депутатлар ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирган.

этиш ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Айтиш керакки, Конституциямизнинг 78-моддасига ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги Қонуннинг 18 ҳамда 25-моддаларига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори эълон қилинди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таклифи инobatта олиниб, Тошкент шаҳри таркибида Янги ҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир ва Тошкент вилоятининг Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманлари чегараларини ўзгартириш назарда тутилган.

Йиғилишда, шунингдек, Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ўрол ҲОЗИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонунларни ишлаб чиқиш шунчаки бўладиган жараён эмас. Демократик давлатда эса ҳар бир ислоҳот ва ўзгаришлар қонуний асосга эга бўлиши талаб этилади. Хусусан, аҳолининг кўпайётгани давлат хизматлари кўрсатиш, бошқаруви такомиллаштириш, фуқаролар учун қулайликлар яратиш заруратини юзага келтирмоқда. Айниқса, кейинги йилларда пойтахтимизда амалга оширилган улкан қурилиш ишлари натижасида катта демографик ўзгаришлар кузатилди. Худди шунингдек, Наманган шаҳрида ҳам қурилиш ишлари жадал кетмоқда, шаҳарда аҳоли сони йилдан-йилга ошмоқда. Бу ўз-ўзидан маъмурий бошқаруви қайта кўриб чиқиш масаласини кун тартибига қўйди.

Янги туманларни ташкил қилиш ҳақидаги қарорларнинг зарурати ва аҳамияти шундаки, бошқарувда турли бюрократик тўсиқлар бартараф этилади, худуд ҳолатидан келиб чиқиб, замонавий ёндашув асосида иш олиб бориш унинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Уйлашмишча, янги маъмурий ҳудудлар ташкил этилишида аҳолига қулайлик яратиш масаласига жиддий эътибор қаратилиши зарур. Қарорлар қабул қилиниши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун тушунтириш ишларини кучайтириш керак. Янги туманлар ташкил этилиши билан боғлиқ барча масалалар тизимли ҳал этилиши, қарор қабул қилингандан кейин одамлар қийналиб, сарсон бўлишининг олдини олиш муҳим саналади. Фракциямиз аъзолари, ушбу масалани чуқур ўйлаб, ўрганиб чиқиш тарафдори. Ана шунда турли тушунмовчиликларга чек қўйилади.

Шунингдек, депутатлар бошқа қонунлар лойиҳаларидаги баъзи камчиликларга эътибор қаратишди. Жумладан, тақдим этилаётган айрим тушунтириш ҳатларидега сийёсий ҳамда қонуний жиҳатдан ҳатолликларга йўл қўйилгани таъкидланди. Худудларни ташкил этишда ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар ҳамюртларимизга қулай бўлиши зарурлиги қайд этилди. Умуман олганда, ҳар қандай янгилик ўзига хос чиғирлардан ўтади ва бу ҳолатда аҳоли қийинчиликларга йўлқасмаслигини таъминлаш муҳим саналади. Депутатлар бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш давомида бошқа бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Ҳар бир қонун лойиҳаси Халқ демократик партияси электорати манфаатидан келиб чиқиб, қизгин муҳокама этилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўз мухбиримиз.

МУНОСАБАТ



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Ёки миллатнинг бурч ва масъулияти ҳақида ўйлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу — мутлақ ҳақиқат. Бугун биз тарихий бир даврда яшамоқдамиз. Миллатнинг бурч ва масъулияти ҳар доимгидан ошган. Бу нималарда кўринади?..

Биринчидан, тафаккур ҳурлигида. Эркин ва озоқ фикр айтиш ҳамма замонларда ҳам инсониятнинг мангу орузи бўлган. Бунга этиш учун асрлар давомида курашлар олиб борилган. Қонлар тўкилган, жангу жадаллар бўлиб ўтган. Лекин ҳеч қачон, ҳеч қандай куч одам эътибори бу йўлдан қайтарма олган. Сўз эркинлиги бу — илм эркинлиги, тараққиёт эркинлиги, ривожланиш эркинлиги, юксалиш эркинлигига йўл очилиши ҳаётнинг ўзи, жаҳон тажрибаси кўрсатмоқда... Ўзбекистонда сўз айтиш, ўз нуктаи назарини намоён этиш йўлидаги барча чегара ва тўсиқлар олиб ташланди, бартараф этилди. Бу аввало, Президентнинг хоҳиш-иродаси билан юз берди. Энг қувонарлиси, бу жараён ҳали-ҳамон давом этмоқда. Бу ҳақиқат дунё ҳамжамияти, халқаро экспертлар томонидан ҳам тан олинмоқда, эътироф этилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда қисқа вақт оралиғида инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида жуда катта ислохотлар олиб борилди. Бунинг натижасида халқимизда ватан ва миллат тақдирини дахлдорлик туйғуси амалда намоён бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги одамлар кечаги одамлар эмас. Улар нафақат ўз ҳуқуқларини, балки бурч ва масъулиятларини ҳам чуқур англаш маданиятига эга. Ҳуқуқи ҳимоя қилинган одам ҳақиқатнинг юзига тик қарайди. Эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўяди. У фақат бугун учун эмас, эрта учун ҳам яшайди. Унинг зиммасида авлодлар масъулияти ҳам бор. Кўрдингизми, ҳуқуқи ҳимоя қилинганини, қилинишини англаган инсон қанчалик қудратга эга бўлади.

Учинчи асос маърифат мўъжизаси билан боғлиқ. Илм имкониятларини тўғри англаган, ҳис этган мамлакатлар аллақачон энг юксак марраларни забт этишди. Илм ҳар қандай қуролдан, ҳар қандай табиий бойлиқдан, ҳар қандай кучдан афзал эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Миллатимизнинг энг машҳур даврлари илм осмонини забт этган асрларга бориб тақалади.

Маърифат мўъжизасини англаб етган миллат дунёга ақл ва тафаккур борасида ҳукмронлик қилади. Президентимизнинг илм-фан намоёндаларига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари замирида ҳам мана шу ҳақиқат мужассамлашган...

Тўртинчидан, аҳиллик ва ҳамжихатликда. Қорақалпоқларда оғзи бирлик, деган ибора ишлатилади. Ҳа, аҳил бўлсақ, ҳолислик тамойилларига сўзсиз амал қилсақ, бугунимиз кечагидан, эртаимиз бугунимиздан яхшироқ бўлади. Ёмон бир емирувчи иллат бор бу — бепарволик. Мана шундан эҳтиёт бўлиш керак. Лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ. Айниқса, бугунги тарихий кунларда. Аввало, аҳиллик ва яна аҳиллик ва яна аҳиллик бизни бутун бир миллатга айлантиради. Агар меҳр-оқибат кўтарилса, одамлар бир-бирининг олдидаги бурч ва вазифасини унутса, бу ташвишли ҳолатдир. Аҳил миллат фақат юксалиш ҳақида ўйлайди. Аҳил миллат тараққиётдан ортда қолмаслик йўлида қайғуради. Аҳил миллат гийбат, ҳасад ва фисқу фасоддан йироқ бўлади. Миллатни кемиривчи кадрлардан, хатолардан эҳтиёт бўлишимиз керак.

Бешинчидан, шукроналик ҳиссида. Энг хавфли одам ношуқур одамдир. Ношуқурлик ризқни камайтиради. Барака йўқолади. Ишончга путур кетади. Шукр қилинса, ютуқларимиз қадрланса, барчаси бундан-да зиёда бўлади. Ҳаётдан розилик туйғуси бутун қалбимизни эгаллаши жуда муҳим. Айниқса, бу қадриятни ёшларимиз онгига синдиришимиз керак, деб ҳисоблайман...

Халқимиз Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйишдек гоятда тарихий ва масъулиятли даврда яшамоқда. Бу барчамиздан фидойилликни, ватанпарварликни ва ўз-ўзидан улкан масъулиятни талаб этади...

Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори, филология фанлари доктори, профессор.

Таъкидландики, "Mening fikrim" веб-порталига мурожаат жойлаштирилган эди. Унинг мазмуни транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда маъмурий жарима солиш билан боғлиқ меъёрга тегишлидир. Яъни, ушбу ҳолда транспорт воситасини ушлаб туриш тартибини бекор қилиш ҳақидаги таклиф зарур миқдордаги овозлар сонини тўплаган ва модератор томонидан кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатасига юборилган. Мазкур мурожаат Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганган ҳолда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига тегишли ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Дилором ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда, фуқаролар талаб ва эҳтиёлларини ўрганиш, тегишли тартибда қонунчиликни такомиллаштириш муҳим саналади. Сабаби, қонунлар аҳолининг манфаатларига хизмат қилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, таклиф этилаётган қонун лойиҳасида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича сугурта полиси ёнида бўлмаган ҳайдовчилар транспорт воситаларини бошқарганда, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан транспорт воситасини ушлаб туришни бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Фракциямиз фикрича, ушбу меъёрни олиб ташлаш, яъни бекор қилиш юртдошларимизга қўшимча қулайлик яратади. Шу билан бирга, юқорида қайд этилган ҳолатда автотранспорт воситаларини ушлаб туриш тартибини бекор қилиш орқали фуқаролар мулк ҳуқуқларининг

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарори эълон қилинди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг таклифи инobatта олиниб, Тошкент шаҳри таркибида Янги ҳаёт туманини ташкил этиш ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир ва Тошкент вилоятининг Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл, Ўртачирчиқ туманлари чегараларини ўзгартириш назарда тутилган.

кафолатлари кучайтирилади. Халқ демократик партияси фракцияси самарасиз чекловлар, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, фуқаролар эмин-эркин ҳаракатланишига халақит қиладиган тартиб-қоидалар бекор қилинишини ҳар доим қўллаб-қувватлайди.

Қизгин баҳс-мунозаралар, таклифлардан сўнг лойиҳа фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Шунингдек, фракция йиғилишида Тошкент шаҳри таркибиде Янги ҳаёт туманини ташкил

Давлатобод номига яраша давлатманд, обод туман бўлади



Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

"Наманган вилояти Наманган шаҳар таркибиде Давлатобод туманини ташкил этиш тўғрисида" депутатлар томонидан қарор қабул қилинди.

Бу қарор қабул қилинишидан олдин куп муҳокама бўлди, масаланинг барча жиҳатлари ҳисобга олинди. Асосий эътибор аҳоли манфаати ҳимоясига қаратилди.

Бу ҳудудда яшовчилар учун қулайлик ва имкониятлар кенгайтириш, худуд иқтисодий томондан тез ривожланади. Аҳолига хизмат қилувчи давлат идоралари энди янада яқинроқ бўлади. Таклифлар, мурожаатлар тез эшитилади...

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

МАНБА: ПП-6044, 24.08.2020 й.

@huquqiyaxborot

2021 йил 1 январдан:



37 та

лицензия ва 10 та рухсатнома бекор қилинади



16 та

лицензия ва 11 та рухсатнома бирлаштириш йўли билан бекор қилинади



17 та

лицензия ва 13 та рухсатномалар хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинади



14 та

турдаги лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш мuddатлари қарийб 2 бараварга қисқартирилади



115 та

лицензия ва рухсат бериш ҳусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари янада соддалаштирилади

2021 йил 1 январдан қуйидагилар бекор қилинади:



кредит бюралари фаолиятини лицензиялашда камида 10 та тижорат банки билан кредит алмашинувини амалга оширишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат мавжудлиги талаби



дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фаолиятини лицензиялашда ушбу фаолият учун лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг ҳар бир филиалига алоҳида лицензия расмийлаштириш амалиёти



ер қазни участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда талабдордан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг кафолат хатларини олишни талаб қилиш тартиби



2021 йил 1 январдан туризм фаолиятини лицензиялашда туроператорлар хизматларини сертификатлаш иктирий этиб белгиланади.

Биз табиат неъматларини қадрлаш тўғрисида жамоавий тушунчани ривожлантиришимиз керак.



ЕЛЕНА БАБЕНКО:

«ҲАЁТ БИЗ УЙЛАГАНДАН АНЧА ДОНО»

ДЕПУТАТ БИЛАН СУҲБАТ

Анджон вилояти бўлими бошқаруви раиси этиб танлади. Шундай қилиб, янги бошқаруви фаолият бошланди. Жуда ҳам жиддий ва масъулиятли. Улар менинг қанчалик принципаал эканлими билишади. Шунинг учун кўллаб-қувватлашди, деб уйлайман.

— Миллий маданий марказ раҳбарлигидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигигача бўлган йўлдаги тарихий қандайдэгга оласиз?

— Биласизми, бу жуда қизиқ ва қизғин жараёнлар эди. Ҳаётимнинг ҳар дақиқаси бошқасидан фарқ қиларди. Масалан, бир неча йил Анджонда рус маданий маркази бошқаруви раисининг ўринбосари лавозимда фаолият олиб бордим. Чин қалбдан ишласангиз, бу бошқарува сезилар экан. Қувонарлиси, одамлар имкониятларини, салоҳиятини, меҳнатга лаёқатини ва сўзларим амалларга мувофиқлиги ишонди. Кейинги ҳисобот-сайлов конференциясида яна мени бошқарув кенгаши номзоди сифатида кўрсатдилар, шунда кенгаш раиси этиб сайлашди.

Марказнинг асосий вазифаси рус миллий маданияти, урф-одатлари, удувлари, тилини сақлаш, шахсининг уйғун ривожланишига кўмаклашиш,

фаолият йўналишлари сирасига ижтимоий ҳимоя, ёлғиз ва қарияларни кўллаб-қувватлаш ҳам киради. Шунингдек, маданий, маърифий, тарбиявий тадбирлар, рус тили ва адабиётини ўқитишнинг инновацион технологиялари, педагогик маҳорат мактаблари бўйича илмий конференциялар, семинар-тренинглар ўтказилади. Ногиронлар, қариялар ва болалар уйларида, ОИТСга қарши кураш марказларида ихтиёрий равишда хизмат кўрсатади. Ешлар талабалар театрлари ва ижодий жамоалари тузиш, республиканинг маданий мерос объектларини сақлаш, меҳнат фахрийлари ва пенсионерлар учун соғлиқни сақлаш гуруҳларини шакллантириш масалаларини ҳам камраб олади.

Кўп нарсани ўрганишимизга тўғри келди. Натижада бизнинг рус маданий марказимиз халқро марказга айланди. Ҳақиқий дўстлик маркази бўлди.

Жумбоқ жуда уйғун, органик тарзда шаклланди. Айтганча, мен ҳеч қачон раҳбарлик амбицияларини бошдан кечирмаганман. Миллий маданий марказ офисидоги юмушларни ўзим қилардим. Масалан, поллар, хона жиҳозлари ва деразаларни ўзим

фаза қилиш кўмитаси шошилини, ҳаётий ташаббуслар билан чиқмоқда. Шулардан бири Экологик Кодексдир. Унинг мақсади атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳадаги халқро стандартларга асосланган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами яратишдан иборат. Бу орқали фуқароларнинг қулай муҳитга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш имкони юзага келади.

Бундан ташқари, "Атроф-муҳит аудити тўғрисида"ги қонун лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмоқда. Уйлайманки, бу экологик аудитни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосига айланади ҳамда мамлакатда экологик-иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий тамойилларини конкретлаштиради. Умуман олганда, тизимдаги масалаларнинг ҳал бўлишига ҳуқуқий асос яратилади.

Шунингдек, "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонунни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш устида ҳам иш олиб борилмоқда.

Қонунлар ишлаб чиқилади ва қабул қилинади. Аммо бу ерда яна бир масала ҳақида гап боради: биз, яъни одамлар ҳақида. Аввало, ўзимизнинг атроф-муҳитга бўлган муносабатимизни ўзгартиришимиз керак. Умуман олганда, инсоният абадий истеъмолчи бўлиши мумкин эмаслигини тушуниши зарур. Албатта, бизга табиий ресурслардан фойдаланувчи мақомда бўлиш жуда қулай. Аммо асп ҳақиқатнинг кўрилиши бўлмай бошқача.

Масалан, эколог олимларнинг фикрига кўра, сайёрамиздаги ҳар олтинчи одам аллақачон тоза ичимлик суви танқислигини бошдан кечирмоқда. Табиий ва иқлимий жараёнлар ўзгариши, урбанизация ривожланиб, аҳоли сони кўпайиши, саноат ҳамда қишлоқ ҳўжалигининг сувага бўлган эҳтиёжлари ошгани сайин вазият янада ёмонлашади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, келажакда нефть ва газ эмас, балки ичимлик суви жаҳон бозоридоги энг муҳим товарга айланади. Афсуски, нафақат суви, балки бошқа стратегик ҳаётий манбалардан нотўғри фойдаланаяпмиз. Биз табиат неъматларини қадрлаш тўғрисида жамоавий тушунчани ривожлантиришимиз керак. Акс ҳолда, у инъом этган неъматлардан ажралиб қолиш ҳеч гап эмас.

Ва ниҳоят келажакдаги режалар ҳақида: ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз шарт. Зотан, ҳаёт биз уйлагандан кўра анча доно. Бундан ташқари, аввало, бугун режалаштирилган барча ишларни бажаришимиз лозим. Ана шунда эртанги кун мақсадлари яқинлашади.

— Атроф-муҳит муаммолари, айтиш кераки, борган сари дунёни кўпроқ ташвишга солмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳо-

➤ Ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз шарт. Зотан, ҳаёт биз уйлагандан кўра анча доно. Бундан ташқари, аввало, бугун режалаштирилган барча ишларни бажаришимиз лозим. Ана шунда эртанги кун мақсадлари яқинлашади.

мамлакатда миллатлараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашдан иборат. Биз фаолларни тўллаб, марказ фаолиятини ҳамма учун очиқ ва равшан қилишига эришдик. Телеграм мессенжеридо "Анджон вилоятининг рус маданий марказ" каналини ташкил этдик, у ерда марказнинг барча ишлари ёритиб борилди. Шунинг учун турли миллат, конфессия ва гуруҳлардаги шахслар бизга бирлашди. Вилоят ҳокимлиги ҳам бизни жуда кўллаб-қувватлади. Зарур туғилганда ташаббусларимизни амалга ошириш учун транспорт, жиҳозлар, рекавизитлар, кўшимча жойлар билан таъминлади. Анджондаги барча давлат ва давлат тузилмалари билан яқин ҳамкорликда ишладик. Ҳар ким фаолият ривожига ўз хиссасини қўшишга, ёрдам беришга, сифатини оширишга интилди. Бундай ҳамкорликда ишлаш аллақачон ўзаро тушуниш ва ўзаро ҳурматни оширди.

Ўзбекистон рус маданий маркази Анджон вилояти филиалининг

тозалар эдим. Ўзимни кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бир вакили сифатида Анджон вилоятидаги рус диаспораси ўз фикри ва манфаатларини ифода этишни ишониб топширган шахс сифатида тутишга ҳаракат қилдим.

— Ўзингизни Қонунчилик палатаси аъзоси сифатида қандай тасаввур қилган эдингиз ва тасаввурингиз қанчалик тўғри чиқди?

— Бу ҳақда кун келиб айтиб бераман. Фақат ҳозир эмас.

— Экологик муаммолар ҳаминча долзарб бўлган. Айниқса, кейинги йилларда бу масалага эътибор жуда кучайди. Экологик муаммоларни ҳал қилиш учун қандай қонунлар зарур ёки қонунчиликка қанақа ўзгаришлар киритилиши керак, деб уйлайсиз ва келажак режаларингиз тўғрисида нима дея оласиз?

— Атроф-муҳит муаммолари, айтиш кераки, борган сари дунёни кўпроқ ташвишга солмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳо-

ҒАМҲҲҮРЛИК



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Инсон муносиб ҳаёт кечириши, орзу-ҳавасларини рўйга чиқариш учун доимо интилиб яшайди. Ҳаётда, касб-хунар эгаллайди. Аммо ёшлардан жисмоний имконияти чекланганлар бўлса, уларни кўллаб-қувватлаш инсоний бурчимиздир. Шунингдек, камбағал оилалар фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ёлғиз қолдирмаслик ҳам жамиятнинг вазифаси, деб уйлайман.

Президентнинг "Аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори Қашқадарё вилоятидаги "темир дафтарга" киритилган 44218 та оиладаги 65857 нафар 16 ёшга тўлмаган болалар, боқувчисини йўқотган 19628 нафар ҳамда 11659 нафар ногирон болаларга эътиборни

➤ Қашқадарё вилоятига "Саховат ва кўмак" жамғармаси томонидан 20 миң аҳолига 20 млрд сўм маблағ берилди. Бундан ташқари, 23 млрд сўм маблағ ижтимоий ҳимоя мақсадида ажратилди.

янада кучайтиришга асос бўлади. Бу қарорни давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати меваси, деб уйлайман. 16 ёшга тўлмаган болаларга манзилли кўмак бериш, яъни уларни қишқи кийим-бош, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлашга қарор қилинган барчамизни мамнун этади.

Қарор Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида қабул қилинганлиги катта рамзий маънога эга. Мустақиллигимизнинг бош мақсади ҳам халқимиз манфаатини ҳимоя қилиш. Кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини ҳимоя қилиниши мамлакатдаги ижтимоий вазият барқарорлашишида муҳим аҳамият касб этади.

Қарорда, шунингдек, республикадаги барча бошланғич умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар бепул грипга қарши эмлангани белгиланган. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 1135 та умумий ўрта таълим мактабларида 55 миң нафар ўқитувчи ҳамда 59 та шифохоналарда 5 миңга яқин шифокор ҳамда ҳар 10 миң аҳолига 98 нафарга тўғри келадиган ҳамширалар фаолият олиб боришмоқда.

Қашқадарё вилоятига "Саховат ва кўмак" жамғармаси томонидан 20 миң аҳолига 20 млрд сўм маблағ берилди. Бундан ташқари, 23 млрд сўм маблағ ижтимоий ҳимоя мақсадида ажратилди.

Мазкур қарор биринчи навбатда партияимз электорати учун муҳимдир. Шу боис биз, депутатлар бу ҳужжатдан қўланган мақсадларни аҳолига тушунтиришимиз ва унинг ижроси таъминланишини назорат қилиб боришимиз лозим.

Январ ИНОЯТОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, вилоят ҳокимининг кексалар ва фахрийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси.

— Маълумки, илгари маҳаллий Кенгаш депутати бўлганларни озми-кўпми одамлар таниган бўлади. Сиз депутат бўлмагансиз, шунга қарамай, сайловчилар ишончига эришдингиз. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Дарҳақиқат, мен ҳеч қачон депутат бўлмаганман, миямдан то суякларимга қадар педагог эдим. 30 йиллик фаолиятим дастлаб, Анджон хорижий тиллар педагогика институтида, сўнгра Анджон давлат университетида рус тили ва адабиёти кафедрасида ўтди. Бир нарсани ишонч билан айта оламан. Мен касбим билан ўйлайдим. Чунки йўлим аввалда ўз олдимга мақсад кўйдим: яхши ўқитувчи, мураббий, ваколатли мутахассис, устоз, маслаҳатчи, дўст ва ўрнак бўлишга аҳд қилганман. Ўз-ўзини ҳамда ирода кучини тарбиялаш, ўзини тутта билиш, тинимсиз ўрганишга тайёрилик ва интилиш, шахсий дунёқараш, ҳаётини позицияни доимий равишда бойитиб бориш жиддий ҳаракатларни талаб қиладиган мураккаб вазифа саналади.

Машҳур ўқитувчи, шахсининг бепул таълим ва ижодий ривожланиш назариясининг муаллифи Мария Монтессори оддий, ёрқин ҳақиқатни кашф этди: болалар ўзларини ўраб турган нарсаларни ўрганадилар. Бу борада менга омад қилиб боқди. Менинг аёниҳ ўстозларим бор эди. Мактаб йилларида турли тўғараклар ва бўлимларда ўқидим. Хусусан, рақсонинг мураккаб турларидан то алпинизмгача, университетда ўқиётганимда фан олимпиадаларида катнашганман, талабалар ҳаваскорлик театрида роллар ўйнаганман. Ўз нуқтаи назарингизни ишончли ҳамда

мазмунли баён этганимизда ҳатто курс ишларини ёзиш ва ҳимоя қилиш ҳам унутилмас воқеага айланиши мумкин. Сиз илмий раҳбар билан баҳс-лашасиз ва бу баҳсда нафақат талабага, балки ўқитувчига ҳам ҳақиқат ойдинлашади.

Мен ўша дунёни ва шу муҳитни шоғирларим билан қайта тикладим: Анджон давлат университетида талабалар театрини ташкил этдим, "Саховат" ногиронлар ва қариялар интернет уйида ва вилоят ОИТСга қарши кураш марказининг болалар бўлимида талабалардан иборат кўнчилиқларни ташкил қилдим. Биз ўзимиз ўз ташаббусимиз билан, шунчаки одамлар ва ўз руҳиятимиз учун кўллаб маънавий-маърифий, тарбиявий, маданий тадбирлар ўтказдик, хайрия акциялари, ҳашарлар уюштирдик.

Университетда 30 йил ишлаб, асосий фанлардан дарс бериб, минглаб бўлажак ўқитувчиларни тайёрладим. Айтганча, менинг кўллаб битирувчиларим мактабларга келиб, у ерда аллақачон ижодий тўғараклар, театр студиялари ва шоирлар клубларини ташкил этишган. Шу билан бир қаторда, вилоят рус тили ўқитувчилари учун кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида ўқитишнинг инновацион технологиялари бўйича маърузалар қилдим. Вилоят телевидениесида рус тилидаги янгиликларни тайёрладим. Кимгадир кўмак бериш, матнларни таҳрир қилиш, умуман ҳар қандай илтимосга лаббай, деб жавоб бердим. Агар инсон хоҳласа, қўлидан ҳамма иш келади. Буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман.

Кейин рус диаспораси мени Ўзбекистон рус маданий маркази

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ҚОНУН

Таълимни янги бошқарува олиб чиқади

Ҳар бир ўтган кун тарихга муҳрланиб, янги марралар, режалар сари инсонни етаклайди. Айниқса, бугунги тараққиёт, техника ривожини туфайли барча соҳаларда тезкор ўзгаришлар, юксалишлар бўлмоқда. Масалан, таълим тизимида ҳам катта ислохотлар амалга оширилди. Бу эса ўз навбатида қонунчилик тизимини такомиллаштириш, модернизациялаш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни талаб этади. Шу маънода яқинда Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги қонун маъқулланди.

Ҳабарингиз бор, мазкур қонун 1997 йилда қабул қилинган. Унда белгиланган меъёрлар, талаблар бугунги кун учун мос келмай қолди. Буни пандемия пайтида, масофавий ўқитиш тизимига ўтилган, яққол сеза бошладик. Шу билан бирга, таълим-тарбия борасида бўшлиқлар пайдо бўла бошлади. Ташаббус қилишни истаган чоғида педагог ёки ўқувчи учун баъзи ҳуқуқий асослар етишмасди.

Бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган жуда ҳам

ибратли мақол бор. Шунинг учун таълим самардорлигини оширишда, аввало, тарбия масалаларида мукамал ёндашувга эришишимиз зарур. Шу жиҳатдан олиб қараганда янги Қонун таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Тарбия аввалло, оиладан, кичик ёшдан бошланади. Ҳар бир ўғил-қизни маърифатли шахс сифатида камолга етказишда оила ва мактаб ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Бизнинг агентлик мисолида оладиган бўлсак, унинг таркибига кирувчи мактаблар сони ва қўлами йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Президент мактабларининг ҳар бир вилоятда барпо этилиши бу борадаги ишлар изчиллигини таъминлайди. Хориждан педагогларни жалб этиш орқали ўқувчилар билиминини янада бойитиш мақсад қилинган. Шунингдек, масофавий таълим масалаларида янги ёндашув зарур. Айнан мана шу жараёнлар учун ҳам янги қонунга эҳтиёж сезилди.

Айтиш кераки, агентлик тизимидоги мактабларга юртимизнинг энг иқтидорли, энг билимли болалари сараланиб олинади. Демак, бундан буён ихтисослаштирилган, ижод ёки Президент мактабларида ўқиш истагини билдирувчи ўғил-



қизлар сафи янада кенгайди. Ақлли ўқувчининг қаршида, у берадиган саволларга ҳар томонлама тайёр бўлиш учун етук мутахассис, ўз касбининг билимдонини керак. Шу нуқтаи назардан агентлигимиз тизимидоги кадрлар малакасини оширишга бўлган талаб ҳам ўсади.

Бир сўз билан айтганда, ҳаётимизнинг энг муҳим сўзбаси, яъни таълим тизимида ислохотларга, тўб бурилишга сабаб бўлувчи мазкур қонун амалиётга тўғри ва тўлиқ татбиқ этилиши лозим. Бунда биз соҳа мутахассислари, умуман, ўқитиш,

таълим-тарбия беришга масъул ҳар қандай шахс дахлдор бўлиши тарафдориман. Ана шунда янги қонун биз истагандек, таълимни янги бошқарува олиб чиқади. Тизимдаги муаммолар бошқарува бошқич ҳал этилиб, бой берилган имкониятлар тикланади, соҳадаги бўшлиқлар тўлдирилади.

Сарвар БАБАХАДЖАЕВ, Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги раҳбари.

БАРЧА ЖАРАЁНЛАР КУЗАТУВ КАМЕРАЛАРИ ОРҚАЛИ ТЎЛИҚ ЁЗИБ ОЛИНМОҚДА. ҲЕЧ ҚАНДАЙ ЭЪТИРОЗ ЁКИ ТУШУНМОВЧИЛИК СОДИР БЎЛГАНИ ЙЎҚ.

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

“ҲАҚИҚАТНИ ТЎЛИҚ ҚАБУЛ ҚИЛМАСДАН, УНИ ЯХШИ КЎРМАСДАН ҲАҚИҚАТГА ЭРИШИШ БЎЛМАЙДИ”. БИЗГА МАЪЛУМКИ, ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА УТҚАЗИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА БАЪЗИ БИР ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ АНИҚЛАШ, УЛАРНИНГ ҚОБИЛИЯТ ВА МАҲОРАТИНИ НАМОЙИШ ЭТИШИ УЧУН ИМКОНИАТ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛГАН. ЛЕКИН БУ ЖАРАЁНДА ИНСОН ОМИЛИ АРАЛАШУВИНИ ҲАМ ИНКОР ҚИЛИШ БЎЛМАЙДИ. ШУ САБАБДАН ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР АТРОФИДА ТУРЛИ БАҲС- МУНОЗАРАЛАР, ЭЪТИРОЗЛАР, ФИКР- МУЛОҲАЗАЛАР РЎЙ БЕРИБ, КЕЛМОҚДА.



ИЖОДИЙ ИМТИҲОНЛАР

Самарқанд давлат университетида жамоатчилик назорати остида ҳолис, шаффоф, адолат мезонлари асосида бўлиб ўтмоқда

Президентимиз томонидан 2020-2021 ўқув йиллари учун қабул жараёнида ижодий имтиҳонларни ҳолис ва шаффоф ўтказиш юзасидан вазифалар белгиланди. Мутасаддиларнинг масъулияти янада оширилди. Таҳририятимиз топшириғи билан ижодий имтиҳонлар жараёни билан яқиндан танишиш, бу борадаги турли қарашларни ўрганиш, ўз кўзимиз билан кўриш мақсадида Самарқанд давлат университетида бўлди. Келинг, шу ўринда сўзни имтиҳон олувчилар, имтиҳон топширувчилар, имтиҳонни ҳолис кузатувчиларнинг ўзига берсак.

Азамат Маматқулов,
Самарқанд шаҳар прокуратураси катта терговчиси:
— Тўғриси айтганда, ўтган йилларда ижодий имтиҳонлар жараёнидан норизо бўлган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ҳам мурожаат қилишарди. Бу йил Самарқанд давлат университети маъмурияти ташаббуси билан ижодий имтиҳонларни шаффофлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ҳам вакиллар сўралди. Мана, имтиҳон жараёнида кузата туриб, ишонч ҳосил қилдимки, жисмоний маданият йўналишида барча жараёнлар ҳолис ўтказилмоқда. Қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани йўқ. Энг муҳими, абитуриент қўлга киритган натижа-

имтиҳонларда қўллаш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.
Амирхон Бақоев,
Самарқанд шаҳри “Боғи Феруза” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:
— Аввало, ижодий имтиҳонларни адолатли ташкил қилишни талаб қилган, мутасаддилар олдида вазифа қилиб қўйган Президентимизга миннатдорлик билдирмоқчиман, Самарқанд давлат университетида ижодий имтиҳонлар тўлиқ ҳалоллик ва ҳолислик тамойилларига бўйсундирилган ҳолатда ўтказилмоқда. Имтиҳон олувчиларнинг четдан келиши, жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги мени жуда қувонтирди. Абитуриентлар ҳам қўйилган баллардан рози бўлиб, имтиҳондан чиқишарди. Тўғриси, буни кутмагандим. Бугун ўзим гувоҳ бўлиб тўла ишонч билан айтманки, Самарқанд давлат университети мусиқа таълими йўналишидаги ижодий имтиҳонлар бир байрамга ўхшаб, хурсандчилик билан тўлиқ адолатли ва ҳалол бўлиб ўтмоқда. Мутасаддиларга ота-оналар номидан, жамоатчилик вакиллари номидан раҳмат айтмоқчиман.
Шоҳрух Шомуродов,
Пастдарғом туманидан, абитуриент:
— Ижодий имтиҳон адолатли, тўғри, соф ўтмоқда. Буни имтиҳон топшириб чиқаётган абитуриентлардан ҳам эшитдим. Ўзимда ҳам ишонч ва умид пайдо бўлди. Қўшиқ айтаман, тор чолғу асбобини чаламан. Демак, ўқишга кириш имкониятим катта, деб ўйлайман. Менга маъқул бўлгани ижодий имтиҳонларда жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этаётгани бўлди. Бу ҳолисликни тўлиқ таъминлаш имкониятини беради. Биз, ёшларни ўқиб, билим олишимиз учун барча шароитлар яратиб бераётганидан хурсандим. Имтиҳонда Ёшлар ишлари агентлиги вакили ҳам иштирок этаётгани бизда ишонч уйғотади.
Қурбонийез Панжиев,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, санъатшунослик фанлари номзоди:
— Қўтилмаганда университетимиз раҳбарияти бизни Самарқанд давлат университетида ижодий имтиҳон олишга юборди. Бундан мақсад ҳолисликни таъминлашдир. Эътиборимни тортгани шу бўлдики, ҳар бир абитуриент билан ИД кодлари орқали мулоқот қилинмоқда, маҳоратига, билимига, иқтидорига қараб баҳоланмоқда. Ижодий имтиҳон жараёнида маҳалла фаоллари, Ёшлар ишлари агентлиги вакиллари, ота-оналар иштироки таъминланган. Барча жараёнлар кузатув камералари орқали тўлиқ ёзиб олинмоқда. Ҳеч қандай эътироз ёки тушунмовчилик содир бўлгани йўқ. Ижодий имтиҳонларда бундан кейин Самарқанд давлат университети тажрибасини қўллаш керак, деб ўйлайман. Ушанда турли гап-сўзларга ўрин қолмайди. Ота-она ва абитуриент рози бўлади. Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрамга бағишланган тантанали маросимда Президентимиз таъкидлаганидек, бугун биз Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйишдек масъулиятли, тарихий бир даврда яшамоқдамиз. Бунда адолат ва ҳолислик тамойиллари устувор ўрин тутаяди. Ёшлар мазкур жараёнларнинг ҳал қилувчи кучидир...



лат университетиде яратилганлигига шахсан гувоҳ бўлдим. Абитуриент жисмоний маданият йўналиши бўйича белгиланган вазифаларни қандай, қанча вақт ичида бажарса, шунга қараб натижага эришади ва жараёнида ўзида қўйилган баллини кўради, билади ва ўз имзоси билан тасдиқлайди. Бундан ташқари, ижодий имтиҳон жараёни бўлиб ўтаётган «Динамо» стадионидан 20 та кузатув камераси узлуксиз ишлаб турибди. Имтиҳон жараёнида СамДУ профессор-ўқитувчилари қатнашаётгани йўқ. Имтиҳон жараёнида Ёшлар ишлари агентлиги вакили, касба уюшмалари масъул ходими, прокуратура ходимлари, ота-оналар вакили тўлиқ кузатиб бормоқда. Ҳеч қандай савол, эътироз, шикоятга ўрин йўқ. Менинг назаримда, мазкур механизми келгуси йилларда барча ижодий имтиҳон олинувчи йўналишларда қўллаш керак, деб ҳисоблайман. Ушанда имтиҳонлар атрофидаги салбий қарашларга ўрин қолмайди.

сани ўша вақтнинг ўзидаёқ билишга ҳақли. Бу натижага белгиланган балл қўйилади, абитуриент эса буни тасдиқлаган ҳолда имзо қўяди. Бирорта муаммоли вазият ёки шикоятга дуч келганимиз йўқ.
Алишер Суёнбоев,
Ёшлар ишлари агентлиги масъул ходими:
— Жамоатчилик назорати ўз ўрнида ўрнатилса, натижа беради. Самарқанд давлат университетида жисмоний маданият йўналиши бўйича ўтказилаётган ижодий имтиҳонни кузатиш жараёнида бунга яна бир бор амин бўлдим. Юз ва минг метрга югуриш талабини бажарган абитуриент ўша вақтнинг ўзида қўлга киритган натижаси билан таништирилади, қанча балл тўллаганини билади ва бунинг тасдиғи сифатида қайдномага ўз имзосини қўяди. Менинг назаримда, ижодий имтиҳон тўлиқ ҳолислик ва шаффофлик тамойиллари асосида бўлиб ўтмоқда. Таклифим, мана шу тажрибани ижодий

Барчиной ҲАМИДУЛЛАЕВА,
журналист.




«АРМИ-2020»: ЎЗБЕКИСТОН ҲАРБИЙЛАРИ ҒОЛИБЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛДИ



ЖОРИЙ ЙИЛ 23 АВГУСТДАН 5 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТГАН «АРМИ-2020» VI ХАЛҚАРО АРМИЯ ЎЙИНЛАРИДА 30 ДАН Ортиқ ДАВЛАТНИНГ 160 ДАН ЗИЁД ЖАМОАСИ ҚАТОРИДА ЎЗБЕКИСТОН МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМ ФАОЛ ИШТИРОК ЭТДИ.

таси вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этди.
— Ўттиз икки давлат орасида фахрли 3-ўринни эгаллаганингиз барчамизда фахр туйғусини уйғотди. Миллий армиямиз қанчалик кучли эканини яна бир бор исботладигиз. Сизларни мазкур ғалаба билан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари номидан яна бир бор қутлайман, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Таваккал Чориев.
Таъкидлаш жоизки, «АрМИ-2020» ўйинларининг баъзи турлари Ўзбекистонда, аниқроғи, «Фориш» тоғ полигониди ҳам ўтказиб келинмоқда. Бу йил Фориш тоғларида ўтказилган «Ҳарбий-тиббий эстафета» мусобақаси қизгин баҳслар, вакил-

ҳамкасбларини орта қолдириб, 1-ўринни эгаллади.
Халқаро армия ўйинларининг «Содиқ дўст» мусобақасида 2017 йилда 3-ўринни, 2018 йилда 4-ўринни, 2019 йилда 2-ўринни қўлга киритган Ўзбекистон ҳарбий кинологлари жорий йилда 1-ўринга сазовор бўлди.
— Бу ғалабага эришишимизда ватандошларимизнинг қўллаб-қувватлаши ва дуоси катта куч берди. Бизга ишонч билдирган ва ҳарбий салоҳиятимизни кўрсатиш учун барча шарт-шароитларни яратиб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевга жамоамиз номидан ўз миннатдорлигини билдираман. Бошқа халқаро мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғини юксакларда кўтаришда давом этамиз, — деди «Содиқ дўст» жамоаси аъзоси, сержант Улугбек Нуруллоев.
Энг муҳим мутахассисликлардан бири — «Қўшин разведкаси аълочилари» мусобақаси Новосибирск шаҳри яқинидаги «Кольцово» полигониди бўлиб ўтди. Яқинда шохсупага Россия жамоаси биринчи, Ўзбекистон жамоаси иккинчи, Беларусь ҳарбийлари учинчи ўрин билан кўтарилди.
«Эльбурс ҳалқаси» халқаро мусобақасида иштирокчи давлатлар ҳарбий хизматчилари бир неча шартларни ўта мураккаб тоғ шароитида ва кучли остида бажарди. Кабардин-Болқордаги Эльбурс чўққисига уюштирилган марш ҳарбий алпинистларни жиддий синовдан ўтказди.
Вакилларимиз ушбу мусобақада 2017 ва 2018 йиллар 4- ва 5-ўринларни эгаллаган эди. 2019 йилда эса 12 минг 41 балл жамғарган Ўзбекистон жамоаси шохсупанинг иккинчи поғонасини эгаллади. Жорий йилда ҳам ҳамюртларимизга иккинчи ўрин насиб этди.
Ўтган йили ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида 32 мамлакат ҳарбийлари ўртасида жами 14 йўналишда — 2 та биринчи, 4 та иккинчи, 5 та учинчи ўринни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллаган эди. Жорий йилда эса 3 та биринчи, 8 та иккинчи, 3 та учинчи ўринни забт этиб, умумжамоа ҳисобида 3-поғонага кўтарилди.



ларимиз учун унутилмас ғалабаларга бой бўлди. Ўзбекистон жамоаси шартларни бажариш жараёнида ўтган йилги рекордларни бир неча бор янгилади. Хусусан, эркаклар жамоаси 6 дақиқа 28,8 сония кўрсаткич билан рекорд вақтини 1 дақиқа 8 сонияга янгилади.
Шарқий ҳарбий округи полигони биринчи бор мезонлик қилган «Йул патрули» мусобақасида ҳам ўзбекистонлик ҳарбийларга тенг келадигани топилмади. Натижада жамоамиз Россия ва Беларусдан келган

Ҳамюртларимиз 16 йўналишда, яъни «Мерганлик марраси», «Қуролсоз уста», «Хавфсиз муҳит», «Артиллерия олови устаси», «Йул патрули», «Қўшин разведкаси аълочилари», «Танк биатлони», «Эльбурс ҳалқаси», «Содиқ дўст», «Хавфсиз маршрут», «Дала ошхонаси», «Ҳарбий ралли», «Ҳарбий-тиббий эстафета», «Мерганлар марраси», «Отлик марафон», «Автозирхли танктехника устаси» каби йўналишлардаги мусобақаларда алоҳида жамоаларга бўлинган ҳолда муносиб қатнашди.
Россия Федерациясида ўтказилган «Ҳарбий ралли», «Отлик марафон», «Содиқ дўст», «Дала ошхонаси», «Хавфсиз муҳит», «Хавфсиз маршрут», «Артиллерия олови устаси», «Қуролсоз уста», «Зирхли техника устаси» мусобақаларида иштирок этган Ўзбекистон ҳарбийлари жамоаси Исрол Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида оркестр садолари остида тантанали кутиб олинди.
Маросимда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Олий Мажлисининг Мудофаа ва хавфсизлик қўми-

Хуршид ҚОДИРОВ,
ЎЗА мухбири.



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ — ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИДА

17 та вазирлик ва идора вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳ гуруҳларда одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиб, бартараф этмоқда

Тахририятда ишлаб ўтирган эдим, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси масъул ходими Зуаутдин Бобоназаров кўнгирок қилиб қолди.

— Қандайсиз ёшувчи, саломатлиқлар жойидами? Вақтингиз бўлса, шаҳарнинг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларига ўтиб келсак. 2020 йил 20 августдан худудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бошланганидан хабарингиз бор, албатта. Шу икки туманга борсангиз, амалга оширилаётган ишларни ўз кўзингиз билан кўрадингиз. У ерда бизнинг вақилимиз ҳам бор, ҳаммасини кўрсатиб беради...

Тан олиш керак, кейинги уч йил мобайнида республикамиз худудларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик куриш ишлари қатъий назоратга олинди. Жорий йилда ҳам 17 та вазирлик ва идоралар вакилларидан ташкил топган ишчи гуруҳлар тасдиқланган жадвал бўйича худудларда фаолият кўрсатмоқда. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари 8 та йўналиш кесимида ўрганилиб, камчиликлар жойида бартараф қилинмоқда.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, республика бўйича иккита ишчи гуруҳи тузилиб, 1-ишчи гуруҳи Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги М.Солиев раҳбарлигида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида фаолият кўрсатмоқда экан.

Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси бўлим мудири Зуаутдин Бобоназаров билан ишчи гуруҳлардан бири фаолият кўрсатаётган Чилонзор туманидаги Катта Қозирабод маҳалла фуқаролар йиғини худудига бордик. Бизни Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан шу худудда бириктирилган Умид Манязов кутиб олди.

— Маҳалладаги тўққиз қаватли 85-уй йўлакларига лифт ўрнатилганига 40 йилдан ошган, — дейди у. — Ҳозир ушларнинг ишламай қолган иккитаси янги сизга алмаштирилди. Қолган камчиликлар ҳам бартараф этиляпти. Катта Қозирабод маҳалла фуқаролар йиғини худудига бордик. Бизни Тошкент шаҳар Халқ қабулхонаси томонидан шу худудда бириктирилган Умид Манязов кутиб олди. — Тўғриси айтиш керак, кўпчилик лифт ишламай қолди, қарияларимиз, ёш болалар юқори қаватларга зинадан чиқишга қийналишарди, — дейди шу ерда яшовчи Муяссар Алиева. — "Семур-лочин" уй-жой мулкдорлари ширкатида бир йил бурун Саида Султоновани сайлаган эдик. У ширкат кучи билан кўпгина камчиликларимизни бартараф қилиб берди. Жуда ҳаракатчан аёл, раҳмат шунчалик бизга жон куйдиригани учун. Лекин бузуқ лифтиларни алмаштириш масаласига келганимизда, бунга ширкатнинг ҳам кучи етмай қолди. Шунинг учун туман сектор раҳбарлигига, Халқ қабулхонасига мурожаат этишга тўғри келди...

— Мана кўраёсан, ишчи гуруҳи вакиллари, Нодиржон Абдуллаев Факулдада вазиятлар вазирлигидан, Шухрат Аҳмедов Президент Администрацияси масъул ходими



моқлари ва ижтимоий соҳани 2020/2021 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари белгилаб берилган, — дейди Президент Администрацияси масъул ходими, ишчи гуруҳи вакили Шухрат Аҳмедов. — Ҳозир кўп квартиралар уйлари ва ижтимоий соҳа объектларини ҳамда иссиқлик, ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ таъминоти тизимларини мавсумга тайёрлаш ишлари ўрганиляпти. Аниқланган муаммолар жойида бартараф этиляпти.

Тумандаги 2-сектор штаби "Катта Чилонзор-3" МФЙ биносидан жойлашган экан. Штаб ишчан кайфиятда. Сектор раҳбари, туман прокурори Иззатилла Бозоров раҳбарлигида ҳар кун бажарилган ишлар, бартараф этилган камчиликлар ҳақида кечкурун маълумот йиғилиб, ишчи гуруҳ ўртасида муҳокама қилинади, эртанги кунги вазифалар белгиланади.

— Тумандаги 2-сектор худудига 11 маҳалла мавжуд бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкати қарийб 60 минг аҳолига хизмат кўрсатади, — дейди Чилонзор туман прокурори Катта Қозирабод, сектор мувофиқлаштирувчиси Хуршид Хушвақтов. — Кўп қаватли уйлар 365 та, хонадонлар сони 18 мингга яқин. Маҳаллаларда 11 та кичик ишчи гуруҳлар ташкил этилган ҳолда 431 та объект ўрганилди, 72 та муаммолар масалалар аниқланди, шулардан 54 таси ҳал этилди. Қолганлари ҳам турли бошқарув идоралари даражасида ҳал қилинаётир. 425 та ижтимоий ва бошқа объектлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Ишонсангиз, уйма-уй юриб, аҳолидан қандай камчиликлар борлигини сўраб-суриштириб чиқаямиз, бизга шундай топширик берилган. Иссиқ жон, ҳар бир инсоннинг ўз муаммоси бор. Аммо шундай муаммолар борки, буни баъзан бир киши, ўн киши, хатто ширкат ҳам бажаролмаслиги мумкин. Тумандаги кўп қаватли уйлар асосан ўтган асрнинг иккинчи ярмида қурилган, шунинг учун вақт ўтган сайин ҳар хил муаммолар пайдо бўлиши табиий. Бугунги кунда том қисмидан чакки ўтиш, лифт ишламаслиги, иссиқлик таъминоти талаб даражасида эмаслиги, ертўлалардаги қувурлар носозлиги бор гап. Ечимини кутаётган муаммо-

ган мурожаати бўйича йўл-йўлакка ўша манзилга кириб ўтдик.

Биз "Афросиёб-2" уй-жой мулкдорлари ширкати манзилида унинг раҳбари Сойибжон Бойқобиловни тополмадик, аммо 65-уйни бориб кўрдик. Бу уйнинг аҳоли кириб-чиқадиган йўлагининг нариги томонига бир пайлар узунасига гаражлар қурилган экан. Болалар ўйнайдиган майдонга йўқлиги сабабли аҳолининг талаби билан гаражлар бузилиб, болалар ўйингоҳи қилинган. Лекин "Афросиёб-2" уй-жой мулкдорлари ширкатиغا Сойибжон Бойқобилов раҳбар бўлган, худди ўша жойга қайтадан машиналар учун бостирма қилинган. Болалар ўйингоҳи эса номингагина "бостирма гаражлар"нинг нариги томонидagi ташландиқ жойга кўчирилган, чанг-тузонга ботиб ётибди. Тўғри, машиналарни қўйиш учун ҳам

Икки кун давомида пойтахт шаҳрининг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай давом этаётгани билан танишдик, ҳар икки туманда фаолият юритаётган ишчи гуруҳнинг фидойилик билан ишлаётганига, юзага қалқиб чиқаётган камчиликларни бартараф этишда жон куйдираётганига гувоҳ бўлдик.

жой керак. Аммо болалар ўйин майдончаси ҳисобига эмас, деб ўйлаймиз. Бу ҳолатга балки тумандаги мутасадди сектор раҳбарлари баҳо беради?!

Айни пайт мамлакатимиздаги мавжуд 37 миңдан зиёд кўп қаватли уйларга 4,5 миңдан зиёд уй-жой мулкдорлари ширкати ҳамда 150 дан кўпроқ бошқарув-сервис компаниялари томонидан хизмат кўрсатилади. Худудлар кесимида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатаётган мулкдорлар ширкати ҳолати, айланма маблағлардан фойдаланиш ва ҳисоб-китоб тизимини таҳлил қилиш ишлари олиб боришмоқда. Бугунги кунча худудларда 45 параметрдан иборат намунавий жадвал асосида миңдан ортиқ мулкдорлар ширкати фаолияти таҳлили ўтказилган. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Аҳолининг кўп қаватли уй-жойлардаги ички иситиш тизимидagi эътирозларини камайтириш мақсадида ҳаракатланувчи мобил авария-тиқлов бригадалари ташкиллаштирилиб, кўп квартиралар уйларидаги ички иситиш тизимларини созулаш ишлари олиб боришмоқда.

Ҳозирги пайтда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг муаммолар қарздорлигини қисқартириш, кўп хонадонли уйлар бошқарувини сервис компанияларига бериш тажрибасини кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришмоқда. Бундан қўзланган мақсад соҳа фаолиятини такомиллаштириш ва аҳолига қулайлик яратишдан иборат.

Янабатдаги манзилимиз Шайхонтоҳур туман ИИО ФМБ бошлиғи Улғабери Нарзуллаев раҳбарлик қилаётган 3-сектор худуди бўлди. "Обиназир" маҳалласида жойлашган сектор штабида Шайхонтоҳур тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ҳамда бўлим бошлиғи Учқун Қодиров билан учрашдик. Бу ерда курувчилар ҳар йили қорли-қировли кунларда чакка ўтадиган кўп қаватли 3-уйнинг томини таъмирлашга бўлган экан. Туманда 51 та маҳалла бўлиб, шундан 13 таси 3-секторга бириктирилган экан.

— 3-сектордаги Кўкча, Шофайз, Маннон Уйгур, Оқлон маҳаллаларида қишда яқна тартибдаги хонадонларда газга бўлган талаб ортади, — дейди сектор мувофиқлаштирувчиси Учқун Қодиров. — Чунки ушбу аҳоли уланган газ қувурига "Кўкча" МФЙда жойлашган "Тошиққуват"га қарашли 3-сонли қозонхона ҳам улангани сабабли қишда газ босими тушиб кетади. 3-қозонхона хизмат кўрсатаётган кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектларда иситиш тизими ва иссиқ сув меъёр кўрсаткичларидан паст бўлади. Бу масала бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилганимиз, муаммони бартараф этишга ҳаракатлар бошланган.

«Кўкча» МФЙда 1080 та хонадон мавжуд. 7300 дан ортиқ аҳоли яшайди. Куз-қиш мавсумида электр токи истеъмо-



ли кўпаяди. Мавжуд юкларни меъёрга солиш мақсадида 630 KVA қувватли трансформатор пункти ўрнатилиши лозим. Яна мазкур худуддаги Кўкча қабристонига тугаш 30 га яқин хонадон ағалари бу худуд яшашга номаъқуллиги, муҳит ва шароит оғирлигидан шикоят қилиб келади. Ўтган йили ҳам бу муаммо кун тартибига қўйилган эди. Бирок бу муаммо ҳозирга қадар ҳал этилмаган. Ана шуларни бартараф этиш мақсадида юрибмиз.

Бокўча МФЙда жойлашган 44-оилавий поликлиника ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган. Поликлиника 44 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ўтган йиллар давомида бу иншоотда фақат енгил таъмирлаш ишлари амалга ошириб келинган, лекин капитал таъмирлаш ишлари ўтказилмаган. Бугунги кунда поликлиника капитал таъмирлашга муҳтож.

қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Факулдада вазиятлар вазирлиги ва Шайхонтоҳур туман сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда доимий иш олиб боришмоқда. Ишчи гуруҳлар билан аҳоли алоқасини йўлга қўйиш учун махсус буклетлар тайёрлаб, унга туман Халқ қабулхонасининг 71-248-10-00 рақамли телефони, сектор раҳбарларининг телефони рақамлари ёзилиб, уйма-уй юриш жараёнида хонадонларга тарқатилмоқда. Тумандаги кўп қаватли уйлар йўлаклари ҳамда маҳалла идораларида ҳам ана шундай буклетлар мавжуд.

"Обиназир" маҳалласида жойлашган 3-сектор штабидан қайтаётганимизда томи таъмирланаётган 3-кўп қаватли уйда яшаётган уч-тўрт фуқаро бизни кутиб турган экан.

— Бу уй ўтган асрнинг 80-йилларида қурилган. 105 та хонадон бор. Анчадан буён тойдан чакка ўтарди. Икки марта банкдан кредит олиб тузатишга ҳаракат қилдик. Барибир бўлмади, — деди кўп қаватли уйнинг 73-хонадонида истиқомат қилаётган Муқаддам Тошмухамедова. — Мана, ниҳоят муаммо ҳал бўлди. Аввало мана шу ишларнинг бошида турган Президентимизга, Халқ қабулхоналари, секторлар раҳбарларига миңг раҳмат.

Лекин бизларнинг сизга бошқа арзимас бор. Мана шу уйимизнинг рўпарасига қурилатган беш қаватли уй ўртасидаги масофа умуман муслмончиликка тўғри келмайди. Уят бўлса ҳам айта қолай, одам ўз уйда ечинади, кийнади, эмин-эркин юради. Рўпарадаги уйга аҳоли кўчиб кирганидан кейин нима бўлади? Ҳамма нарса деразадан кўришиб туради-ку.

Туманимизнинг олдинги ҳокими томонидан чиқарилган қарор асосида икки қаватли "Замонавий маҳалла" мажмуаси қуриб битказилди. Лекин қарорга кўра, турли ижтимоий соҳаларга йўналтирилган хоналар, қариялар дам олиш уйи, кутубхона, ёшлар учун енгил конструкцияли спорт иншоотлари, болалар ўйингоҳи қурилиши керак эди. Ҳозир ана ўша "Замонавий маҳалла" марказини бошиб кўрингчи, юқорида санаб ўтилган маданий-маиший йўналишдаги шохобчаларнинг қайси бири бор экан?!

— Мана шу уйимизнинг рўпарасида



ҳозир қурилиши битай-битай деб қолган янги беш қаватли уйнинг ўрнида болалар ўйингоҳи бўларди, — деб суҳбатга қўшилди 73-уй бошқарувчиси Мансур Латипов. — Унинг бир томонида кичкина бўлса ҳам тўй-маърака ўтказадиган жой ҳам бор эди. Бир тадбиркор мана шу жойга янгидан болалар ўйингоҳи, кутубхона, тўй-маърака ўтказадиган жой, қариялар учун дам олиш маскани қуриб бераман, деб архитектура ташкилоти томонидан чиқарилган лойиҳасини кўтариб келди. Биз ҳам бу вазъдаларга ишондик, рози бўлдик. Кейинчалик бир гуруҳ курувчилар келиб, қурилишни бошлади.

Кўп қаватли уйдан мана бу янги қуришга булган масофа 15 метрча чиқди. Болалар ўйнайдиган майдон тугул, Бема-лоп ўтириб, нафас ростлашга ҳам жой йўқ. Кейинчалик ростми-ёлғонми, билмадик, бизга лойиҳасини кўтариб келган тадбиркор бу жойни бошқа бировга сотган экан. У ҳам ўз наватидида бу уйда яшаётган аҳоли билан келишмасдан, қанақадир савдо комплекси қурилишини бошлаб юборибди, деб айтишдик. Бу жойга майда савдо комплекслари биноси деб қарор чиқариб олинган экан. Ана шундан буён ҳаловатимиз йўқолган...

Суҳбат асосида 73-уй бошқарувчиси Мансур Латипов қўлимга иккита ҳужжат

тутқазди. Улардан бири "Замонавий маҳалла" лойиҳаси асосида маҳалла маркази ҳамда савдо ва маиший шохобчалар ташкил этиш учун жисмоний шахс Муҳитдинов Жавлон Ҳасановичга Шомухамудов кўчаси, 3-уй ёнидан 0,10 гектар ер майдони ажратиш ҳақида 2018 йил 4 май сана-си билан Шайхонтоҳур туманининг ўша пайтдаги ҳокими Б.Ғойибназаров имзоланган қарор экан. Унга кўра, Ж.Муҳитдинов намунавий лойиҳа асосида икки қаватли "Замонавий маҳалла" мажмуасини қуриб битказиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимига бегараз фойдаланиш учун топширади ва эвазига ўзи учун савдо ва маиший шохобчалар комплексини қуради. Қурилиш ишлари якунланганидан кейин фаолият турини ўзгартирмаслик шарт билан жисмоний шахс Муҳитдинов Жавлон Ҳасановичга мулк ҳуқуқи эътироф этилиши таъминланади.

Шу масала бўйича кўп қаватли 3-уй аҳолиси томонидан Президентнинг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилинган. Бу мурожаатномага ҳам Шайхонтоҳур туман ҳокими А.Тўхтаев имзоси билан 2020 йил 29 августда жавоб олинган. Унда ҳам Шайхонтоҳур туманининг олдинги ҳокими Б.Ғойибназаров томонидан ўшбу масала бўйича қабул қилинган қарор келтирилган...

— Бу ерда бўлаётган қурилишнинг бошида ким турганини ҳеч биримиз билмаймиз, — дейди 93-хонадон соҳибаси, нафақахўр Феруза Юсупова. — Қурилиш бошланмасидан олдин пойдеворни бир метр орқага суриш учун қанча уруш-жанжал қилдик, шунда ҳам атиги ярим метр орқага сурирдик, холос. Учта неварам бор, подьезддан ташқарига чиқса, хавотир олам. Чунки ўйнайдиган жой йўқ, тротуарни кўриб турибсиз, машина қанча тинмайди. Ўзган, бормаган жойимиз қолмади. Ҳеч қилдан садо чиқмайди. Бу қайси бир кўнани осмонга узатса, ойга етадиган, халқнинг азалий қадриятларини қисил қилмайдиган тадбиркор экан, деб ҳайрон бўламан. Бизнинг дардимизни газетлага ёзсангиз, бу ерни қураётган тадбиркор балки инсофга келармиди. Ёки Президентимиз бизнинг гапларимизни газетдага ўқиб кўриб, тарғимимизни олар-миди...

Биз бу масала бўйича 3-кўп қаватли уйда истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқароларнинг фикрларини эътиборга олган ҳолда албатта уни газета саҳифасида ёритишга ҳаракат қилишимизни билдирдик...

Икки кун давомида пойтахт шаҳрининг Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай давом этаётгани билан танишдик, ҳар икки туманда фаолият юритаётган ишчи гуруҳнинг фидойилик билан ишлаётганига, юзага қалқиб чиқаётган камчиликларни бартараф этишда жон куйдираётганига гувоҳ бўлдик.

— Мана, иккала туманда бўлиб, ҳеч ким эътибордан четда қолмаётганини, аҳоли томонидан тушаётган мурожаатлар жойида ўрганилиб, ечими топилаётганини ўз кўзингиз билан кўрдингиз, ишонч ҳосил қилдингиз, — деди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент ша-



ми, Хуршид Хушвақтов туман прокурори Катта Қозирабод, сектор мувофиқлаштирувчиси Хуршид Хушвақтов. — Кўп қаватли уйлар 365 та, хонадонлар сони 18 миңга яқин. Маҳаллаларда 11 та кичик ишчи гуруҳлар ташкил этилган ҳолда 431 та объект ўрганилди, 72 та муаммолар масалалар аниқланди, шулардан 54 таси ҳал этилди. Қолганлари ҳам турли бошқарув идоралари даражасида ҳал қилинаётир. 425 та ижтимоий ва бошқа объектлар ўрганилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда. Ишонсангиз, уйма-уй юриб, аҳолидан қандай камчиликлар борлигини сўраб-суриштириб чиқаямиз, бизга шундай топширик берилган. Иссиқ жон, ҳар бир инсоннинг ўз муаммоси бор. Аммо шундай муаммолар борки, буни баъзан бир киши, ўн киши, хатто ширкат ҳам бажаролмаслиги мумкин. Тумандаги кўп қаватли уйлар асосан ўтган асрнинг иккинчи ярмида қурилган, шунинг учун вақт ўтган сайин ҳар хил муаммолар пайдо бўлиши табиий. Бугунги кунда том қисмидан чакки ўтиш, лифт ишламаслиги, иссиқлик таъминоти талаб даражасида эмаслиги, ертўлалардаги қувурлар носозлиги бор гап. Ечимини кутаётган муаммо-

лар жуда кўп. Фаолиятимиз давомида ана шуларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилаёямиз.

Ийрик муаммолардан бир-иккитасини айтиб ўтадиган бўлсам, масалан, "Чарх Камолон-1" ва "Чарх Камолон-3" МФЙларда 3-6 ёшдаги болалар сони 1500 нафардан ортиқроқ, Лекин бу худудда халигача мактабга ташлим муассасаси мавжуд эмас. Ёки, масалан, "Бешёғоч" МФЙ худудидида мавжуд яқна тартибдаги уйларда каналлация тармоғи йўқ. Буларни ҳал қилиш учун эса бир қанча ташкилот ва муассасаларнинг бошини бириктиришга тўғри келади...

Яширишининг ҳолати йўқ, баъзи ширкатлар талаб даражасида ишламаётганидан ташқари, баъзи ҳолларда ўз манфаатидан келиб чиққан ҳолда шаҳар-созлик қоидаларига амал қилмаётгани ўша худудда яшаётган аҳоли норозиликларига сабаб бўлмоқда. Пойтахтимизнинг Учтепа туман 12-мавзе, 9 қаватли 65-уйда истиқомат қилаётган бир гуруҳ фуқароларнинг мазкур хонадонларга хизмат кўрсатадиган "Афросиёб-2" уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Сойибжон Бойқобилов устидан Ўзбекистон Республикаси Президентини Тошкент шаҳар Халқ қабулхонасига, Президент Виртуал қабулхонасига қил-

Нурulloҳ ДОСТОН, Равайн ШОДИЕВ, "Ўзбекистон овози" мухбирлари.

БАЛИҚҚА «ЖОН» СЎЗИНИ ҚЎШИШ ШАРТМИКАН?

«ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ!» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА

ТИЛ – ДИЛ КЎЗГУСИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам мана, ўттиз йилдан ошди. Бироқ, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга амал қилишда ҳамон камчиликлар мавжуд.

Маълумки, ўзбек тили қадимий, мазмунан бой ва гўзалдир. Юсуф Хос Ҳожиб, Махмуд Қошғарий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижод этган бу тил неча асрлар қаъридан садо бериб, ҳофизлар хонишида ҳамон куйланиб келмоқда. Америка ва Оврупо давлатларида, Японияда ҳам тилимизни ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бораёпти. Ҳатто ҳукмрон шўро салтанати пайтида ҳам хорижий давлатларда тилимизни ўрганишга иштиёқ кучли бўлган. Аммо сўқир мафкура ўзгаларнинг иштиёқини сўндирибгина қолмай, ҳатто марказ таълиқи билан руслаштиришни асосий мақсад қилиб қўйган эди. Бунга истаганча қирғил келтириш мумкин. Қўйида мен кўплар қатори ана шу манфур сийқатдан жабр кўрганам билан боғлиқ айрим воқеаларни эслани лозим топдим.

ГАРОЙИБ ШОШИЛЧНОМА

Бундан қирқ уч йил илгари, 1977 йили олий ўқув юртига ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларидан яхши баҳолар олдим. Бироқ тўплаган балларим камдай. Шунинг учун тоғамга телефон қилиб, ахволни тушунтирдим. Тоғам – зиёли одам, «мандатни охиригача кутгин, кечки ёки сиртки бўлимга баллинг етиб, илашиб қоларсан», деди.

Тошкентда Заҳар ака деган татар кишининг хонадонига ижарада турар эдим. Орадан кўп ўтмай менга шошилинчнома келиб қолди. Қарасам, тоғамдан: «Азамат, баллинг етмасас маъсул котиб, профессор Халхат Ҳаромовичга учра. У яхши одам». Шошилинчномани ўқигач, аввал хайрон бўлдим: шунақа исмлар ҳам бўларкан-да? Шу захоти хонадон соҳибининг исми ёдимга тушди. Бу ерда одамлар Заҳар деб исм қўйишадими, «Калхат», «Ҳаром» қўйишига нега ажабланиман, дедим ўзимга ўзим.

Эртаси кун иштатутга келиб: «отв. секретарь», (яъни; маъсул секретарь) деган ёзув кистирилган эшик олдида навбатда турдим. Ниҳоят, маъсул котиб қабулига кириб: «Калхат Ҳаромович сиз бўласизми?» дедим даб-дурдустдан. «Унақа одам бутта ишлаймиди. Эшикни орқасидан ёпи!» деди маъсул котиб зарда билан.

Ҳафсалам пир бўлиб, ҳужжатларимни қайтариб олиб, олий даргоҳдан чиқаётганимда деворга осилгил ёзувга кўзим тушиб қолди: «Кундузги бўлимда кунорудан ўтолмаган абитуриентлар кечки ва сиртки бўлимлар бўйича қабул ҳайъати маъсул котиб проф. Тальят Ҳатамович Муржожаат қилсин!»

Афсуски, ҳужжатларимни қайтариб олган эдим. Упкам тўлиб, йиглаворай дедим. Боз, фан доктори, профессор Тальят Ҳатамовичга «Калхат Ҳаромович» деб мурожаат қилган эканман. Аслида айб менда эмас, гиж-гиж хато ёзилган шошилинчномада эди.

Хуллас, ўша йили мендан бир-икки балл кам йиққанлар ҳам кечки ва сиртки бўлим талабалари бўлишди. Ўзга забонда сўзлашувчи ходима ёзган шошилинчноманинг касри эса менга тегди.

Алам қилганидан Тошкентда қилиб ишлаш истаги пайдо бўлди. Ўқшдан «йиқилибди» деган таънага чидаш қийин-да. Қишлоққа, ота-онамга яна шошилинчнома жўнатмоқчи бўлдим. Почтага келиб: «Конкурдан қайтдим. Тошкентда қоламан», деган мазмунда шошилинчнома ёзиб, почта ходимасига узатдим. У: «Пиши на русском языке!» деб қайтариб берди. Роса ялиниб, олдиридим. Ҳалиги хонимча бурнини жиририб, Ҳаро

қўзни битталаб санаб, узатган пулимни ҳам ижирганиб олгандай бўлди. Орадан икки кун ўтиб, саҳарда хонадон кўнгириги жиринглаб қолди. Уй эгаси Заҳар ака кўзини уқалаб эшикни очди. Кимнингдир йигламсираб гапирганини нариги хонадан туриб эшитдим. Онамнинг овозига ўхшайди. Мени кўриши билан бағрига босиб, йиглай кетди. Ортида дадам, кўзларида ёш қалқиб турибди.

Бечора онам «Болам, биров урдими ё йиқилдингми, нега қон қусасан?» деб ҳиқилласа, анграйиб қолибман. Кимдан, нима гап эшитдингиз, дея сўрадим. Дадам ҳам мен билан кучоқлашиб бўлгач, воқеани айтиб берди. Етиб борган шошилинчномада: «Қон қусиб йиқилдим. Тошкентда қоламан», деб чала-чулпа ёзилган экан. Почтаси ҳам буни тасдиқлаб, тезроқ бормасангиз бўлмайди, ахволи оғирга ўхшайди, деган. Қулишни ҳам, йиглашни ҳам билмай қолгандик ўшанда. Ўзбекистонда, ўзбек тилида телеграмма ҳам бериб бўлмасди...

ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ ЎЗЛИГИ

Нима учун биз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор асарларини севиб ўқиймиз? Сабаби нимада? Чунки бу адибларимиз айтган сўзларига биринчи бўлиб ўзлари амал қилишган. Машҳур сўз усталари тилимизнинг бойлиги, шираллиги-ю нафосати, гўзаллигидан унумли фойдаланишган. Эътибор берган бўлсангиз, бу адибларимиз сўзларини ўз ўрнида ишлатиб, қисқа ва лўнда, тушунарли ёзишган. Асарлари ўқилиш.

Айрим ҳаюрт зиёлиларимиз орасида миллий забонидан ташқари, рус тилида бемалол ёза оладиганлари ҳам бор. Буюк адибимиз Садриддин Айний ўзбек ва тожик тилларида баравар ижод қила олган. Ёзувчи Носир Фозиллов қозққан, болалар шоири Турсунбой Адашбоев эса қирғизчани ўз она тилидан кам билмас эди. Филология фанлари доктори, мунтаққид Нинель Владимировна ўзбек тилида равон сўзлаши, ўзбекча асарларини рус тилига бемалол ўгира олишнинг кўпчилиги ижодкорлар яхши билади. Уларни бемалол зулфисонан – икки тилни билувчи, дейишимизга асос бор.

Филология фанлари докторлари, профессорлар Нажмиддин Комиллов, Шоислом Шомухамедов, Хасан Қудратуллаев, Ҳамидхон Ҳомидов ва Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёв Жабборовлар нафақат миллий забонимиз, ҳатто форс-тожик тилида ҳам ижод қила олишарди. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол эса ўзбек, тожик ва рус тилидан ташқари инглиз тилини сув қилиб ичиб юборганини чиройли таржималаридан билиб олиш қийин эмас.

КЎЧАДАГИ ХАТОЛАРНИ КИМ ТУЗАТАДИ?

Кўчага чиқганимиз захоти турли ёзув ва рекламаларга кўзингиз тушади. Ундаги гиж-гиж хатоларни кўриб, дилингиз хира тортади. Машина тузатиш устaxonалари пештоқидаги «хадавой» (ходовой), «матор» (мотор), «балон ямаш» ёки «апалапка», апалапка, апалопка (опалубка) ва ҳоказо.

Ўзбекларда «Хуш келибсиз!» деган яхшигина калом бор. Бироқ аксарият жойларда «Хуш келибсиз!» сўзи осиб қўйилган (лотинчада ҳам), «хуш» билан «хуш» бошқа-бошқа маъноларни англатмайди? Бир шеър матнида «юзиндан ҳолинг (холинг) ярашибди» жумласини ўқиб ажабланиндим. «хол» билан «хол» сўзлари ҳар хил маънони англатади.

Қайсидир емакхона ёнидан ўтаётиб, «қовурилган тирик балиқ» деган ёзувни кўриб қулишни ҳам, йиглашни ҳам билмай қолганман. Қаерда кўргансиз, ёгда қовурилиб тирик чиққан балиқни. Балиқнинг сурати осилган бошқа бир ошхона рекламасида «Сазанжон» деб ёзилган. Балиққа «жон» сўзини қўшиш шартмикан? «Сазанчик»нинг таржимаси ҳам бунга мос тушмайди. Булар етмагандек, айрим ошхоналарга кираверишда «бахтли жўжа», «оптин жўжа», «дўмбоқ жўжа» ёзувларини кўриб, кўзимиз ўрганиб қолган. Ҳали олти ойлик ҳам бўлмаган жўжага нисбатан «бахтли», «оптин», «дўмбоқ» сўзларини қўшиб ишлатиш нечоғли тўғри?

Йўловчи ташийдиган микроавтобусларда «Лицензиясиз йўловчиларни ташийш қонунга хилоф» ёзувини ўқиб, нима, микроавтобустга чиқиш учун лицензия олиши керакми, деб ўйлаб қоласан. «Йўловчиларни лицензиясиз ташийш қонунга зид» деса бўлмайди-ку? Бу хато ҳақида кўп гапирилди. Аммо ҳалигача тузатилмади.

Аксар дўконлар пештоқига ажнабий сўзлар ёзиб ташланганига нима дейсиз? Четдан келган меҳмонлар «қайси юртга келиб қолдик», деб ҳайратдан ёқа ушламайди?

ИСМ ҲАМ ҲУСН

Яхши исм бежиз танланмайди. Ҳар бир ота-она янги туғилган чақалогога яхши ният билан муносиб исм топиб қўйишга ҳаракат қилади. Ҳар қандай исмининг эса ўзига хос хусусияти, маъноси-ю тарихи бор. Истибодли тузумнинг руслаштириш сиёсати ўлароқ яхши ният билан ўйлаб, топиб қўйилган чиройли исмларнинг хато ёзилишидан ташқари, маъносига ҳам пугур етказган хатолар кўп қузатилган.

ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) нинг жўрган-налистик факультетида ўқиб юрган кезларим ҳар йили Сирдарё вилоятига пахта тергани борардик. Кунларнинг бирида кеч тушган, қўшни ҳўжалиқда пахта терётган, тайёрлов бўлимида бирга таҳсил олган дўстларимни кўргани бордим. «Барак»ка яқинлашайтиб, деворда осиб қўйилган «Кимга қандай проблема бўлса, факультет комсорги командир Мамир Халтаева учрашсин» деган ёзувга кўзим тушганди. Ҳойнаҳой, Мазмур Холтоев бўлса керак, дея ўйладим. Англаганимдек, бу ёши каттароқ йигит туртинчи курс талабаси экан. – Ҳўжжатига шунақа ёзилган бўлса керак, – дейди сўхбатдошим ажабланганимни сезиб.

Бундай олиб қараганда Маъмур, Холтой муносиб исмлар сирасига кирарди. Мамирни билмадим, Халта(й) нима эканлигини изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмас керак. Хуллас, Холтин «Халик», Тальятни «Талат», Ҳамидни «Хамут» ёки Тожирни «Тахир» деб ёзиш аввало ўзбек тилига ҳурматсизлик эди. Гавҳар қиз боланинг исми, бу сўзининг маъноси чиройли. Бироқ кўпчилиги билиб-билмай «Говхар» деб қақиради. Тожикчада «гов» – мол, «хар» – эшак дегани. Хулласи ўзингиз чиқараверинг. Фақат шуларгина эмас, бунга ўнлаб, юзлаб мисоллар келтириш мумкин!

МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

Пировардида, буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг олий ўқув юрти талабалари билан бўлган учрашувида айтган қўйдаги сўзлари барчамиз учун дастуруламал бўлиши керак: «Сизлар ҳар қаердан келгансизлар. Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтган лавҳалар кўпинча хато ёзилапти. Айниқса, «Х» билан «Х»нинг фарқига бормаслик сўз маъносининг бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда.



Қайсидир йили гоят камтар, оила-сига садоқатли, болаларига меҳрибон ҳамкасб дўстимни мактамоқчи бўлиб, илчироқ мақола ёзиб тармоқ газеталаридан бирига топширдим. Орадан кўп ўтмай, навбатчи муҳаррир менга қўнгироқ қилиб: «Бугун газетамиз босмага топширилмаган («вёрстка») кун. Мақолангизнинг газета вариантыни бир бор кўздан кечирсангиз ёмон бўлмасди, деди.

Тахририятнинг мусахҳиҳлар хона-сига кириб, газета саҳифасига чиройли қилиб макетлаштирилган мақоламини ўқиб чиқдим. Унда шундай жумла бор эди: «Камсуқум, ўз соҳасини яхши билади, биргина ҳаёлпарастлик қусурини айтмасак, рисоладагидай йигит». Ўша жумлада «хаёлпарастлик» деб ёзилган экан. Мусахҳиҳларни огоҳлантириб: «Дейрли ҳеч қандай хато йўқ. Фақат «Х» эмас, «х» бўлади», дея тузатиш киритиб кетдим.

Уйга келгач, дўстимга қўнгироқ қилиб: «Эртага фалон газетани олиб ўқинг; сизни яхшигина «танқид» қилганман, дедим ҳазил аралаш.

Эртаси кун икйиниб ишга отланаётганимда телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарганимни билламан, «Танқид ҳам эви билан-да, жўра! Қачон кўрувдингиз мени аёлпарастлигимни. Келингиз «аёлпарастлик қусуригиз» борлигини сезиб юрардим, Азамат ака ҳеч қачон ёлгон гапирмайди, деб роса обориб-обкеляпти», деса бўладими?!

Матбуот дўконига югура солиб газетдаги мақоламини ўқисам, биринчи ҳарф тўшиб қолиб, «аёлпараст» шаклида ўтиб кетган экан.

Қайтанга ўша ҳарф «думи» билан кетиб қолганида, бу даражада хижолатпазлик бўлмасмиди?!

МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

Пировардида, буюк адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг олий ўқув юрти талабалари билан бўлган учрашувида айтган қўйдаги сўзлари барчамиз учун дастуруламал бўлиши керак:

«Сизлар ҳар қаердан келгансизлар. Институтни битиргандан кейин жойларга бориб ўқувчиларга инглиз, немис, француз, испан тилларини ўргатасизлар. Менинг сизларга айтган лавҳалар кўпинча хато ёзилапти. Айниқса, «Х» билан «Х»нинг фарқига бормаслик сўз маъносининг бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлмоқда.

чечкиз муҳаббат туйғусини олиб боринглари! Ўзбек тили гоят бой, ниҳоят чиройли, ҳар қандай фикр ва туйғунини фода қилишга қодир эканини амалда кўрсатинглар: қаерда ва қандай шариғатда ишланганлар, тил маданиятимизнинг машъали бўлинглар!».

Кўз тегмасин, ўзга давлат вакиллари ҳам тилимизни ўрганишга иштиёқ сезилти. Айниқса, немис, япон, корейс, хитой ва бошқа миллатларга мансуб инсонлар ўзбек тилини яхшигина ўзлаштириб, равон гапирётганини кўриб фахрланамиз.

Дунёда энг бой тиллардан бири ҳисобланган, миллатнинг ёрқин кўзгуси бўлган она тилимизнинг обрўсини кўтариш, унинг қадди ва қадрини янада юксалтириш мақсадида ўтган йилнинг 21 октябрида Президентимизнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқени тубдан ошириш чораларидан тўғрисида»ги фармони эълон қилингани ва 21 октябрь санаси мамлакатимизда «Ўзбек тили байрами кунини» сифатида кенг нишонлиниши барчангиз кўнгидаги иш бўлди.

Вазирлар Маъжамасининг 2020 йил 20 январдаги қарори билан Вазирлар Маъжамаси ҳузуринда Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Айни пайтда республикамиздаги барча давлат органлари, вазирликлар ва уларга тенглаштирилган идора ва ташкилотларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича раҳбар маслаҳатчилари фаолият юритмоқда. Бундан қувонмай бўладими?

Юқорида бошимдан ўтган ажаб-товур ҳангоматалаб воқеаларни бежиз келтирмадим. Миллатнинг кўнглини кўтарадиган, қадрини осмон қадар юксалтирадиган тилимизга оид бундай муҳим ҳужжатлар қабул қилинганга қадар озмунча азият чекмадикми?

Алишер Навоий бобомиз: «Тилга эътибор – энга эътибор», дея бежиз айтмаган-ку! Инсон ўз она тилини ҳурмат қилсагина, бошқа тилларни ҳам кунт билан ўрганишга эҳтиёж сезади. Ширинсўз одамларни халқимиз ахли дил, деб эъозлаярди. Чунки тил – дилнинг кўзгусидир.

Азамат СУЙОНОВ, журналист.



БИЛАСИЗМИ?

СОЛИҚ ОРГАНИГА ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРИШ

орқали контракт тўловида солиқ чегирмасидан фойдаланиш мумкин



Олий ўқув юртларида таълим олиш (ўзининг, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўлов амалга оширилганда, тўлов қилинган қисми даромад солигидан озод этилади.

Бунда солиқ чегирмаси ўқийш учун тўлов қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилганда тақдим этилади:

- ўз маблағлари;
- жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитлари;
- юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шарти билан берилган маблағлари (судалар).

Тўлов ойлик иш ҳақидан эмас, мустакил амалга оширилганда, солиқ органига жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни топширган ҳолда солиқ чегирмасидан фойдаланиш мумкин.

Бунда, солиқ чегирмаси ОТМда ўқийш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасига, солиқ даври учун қўрилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади миқдоридан берилди.

Солиқ чегирмасига бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- талаба билан олий ўқув юрти ўртасида тўловли-контракт асосида ўқитиш тўғрисида тузилган шартнома нусхаси;
- тижорат банки билан таълим кредитини олиш учун тузилган шартнома (шартномалар) нусхаси;
- олий ўқув юртлари ҳисоб рақамига пул маблағларини мустакил тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;
- паспорт нусхаси ва таълим олувчининг тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

ЎЛИК ТУГИЛГАН

болани дафн этиш учун нафақа бериладими?



Қонунчиликка кўра, вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариношларига ёки қонуний вақилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга дафн этиш учун давлат бюджетли маблағлари ҳисобидан нафақа берилади.

Дафн этиш учун нафақа мурожаат этилган кунда Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими томонидан:

- вафот этган шахс пенсия ёки ижтимоий нафақа олиб турган ёхуд ишламаган ва пенсионер бўлмаган ҳолларда — ўлим ҳақидаги гувоҳнома асосида;
- ўлик бола туғилган ёки бола ҳаётининг биринчи ҳафтаси давомида вафот этган (перинатал ўлим) тақдирда — перинатал ўлим тўғрисидаги маълумотнома асосида тўланади.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНИ ХОДИМИ

фуқарога мурожаат этганида қуйидагиларга мажбур



— ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исминини, отасининг исмини айтиши, фуқаронинг талабига кўра хизмат гувоҳномасини кўрсатиши, шундан сўнг мурожаат қилишининг сабаби ва мақсадини маълум қилиши;

— фуқарога нисбатан унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи чоралар қўлланилган тақдирда, бундай чоралар қўлланилишининг сабабини ҳамда асосларини, шунингдек, фуқаронинг шу муносабат билан юзага келадиган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга тушунтириш шарт.

Ички ишлар органи ходими ўзига фуқаро мурожаат этган тақдирда, ўз лавозимини, унвонини, фамилиясини, исминини, отасининг исмини айтиши, уни диққат билан эшитиши, ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар қўриши ёхуд қўйилган масалани ҳал этиш қиминг ваколатига киришини тушунтириш шарт.

Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huqiqiy axborot» канали.

«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази жамоаси Марказ директори Н.Х.Раҳимовга отаси **Хайрулла АБДУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

ЭЪЛОН

«O'zbekinvest Hayot» МЧЖ СК ягона Таъсисчисининг 2020 йил 29 августдаги 1-сонли қарорига асосан Устав фонди миқдори 16 883 113 375,41 сўмгача камайтирилди.

Жамиятнинг кредиторлари эълон нашр этилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида жамиятдан мажбуриятларни бажариш ёки муддатидан аввал бекор қилиш ва етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

«QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қорақалпоғистон Республикаси Қўриқлаб бошқармасининг 2020 йил 04 сентябрдаги 20/6-1960-сонли алоқа хатига асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Темура кўчаси, 129-А уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

-1996 йили и/ч. Давлат рақами 95/314VSF бўлган «BA3-2106» русумли автомашина. Бошлангич баҳоси 4 881 024 сўм. Қониқарсиз ҳолатда, таъмирталаб.

-2001 йили и/ч. давлат рақами 95/315VSF бўлган BA3-210702 русумли автомашина. Бошлангич баҳоси, 8 705 088 сўм. Қониқарсиз ҳолатда таъмир талаб.

Аукцион савдоси 2020 йил 14 сентябрь кунини соат 11:00 да Нукус шаҳри А.Шамуратова кўчаси, 117-«Б» манзилида жойлашган «QORAQALPOQ MULK MARKAZI» МЧЖ биносиде ўтказилади.

Аризаларни қабул қилиш: аукцион савдосидан бир кун олдин соат 18:00 тўхтатилади. Агарда юқорида кўрсатилган автотранспортлар 2020 йил 14 сентябрь кунини ўтказиладиган аукцион савдосиде сотилмасе, такрорий аукцион савдоси 2020 йил 21 сентябрь кунини соат 11:00 да ўтказилади. Савдо голлиб деб топилган шахсларга 20 иш кунини ичида сотувчи билан олди-соти шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан шанба ва якшанбадан ташқари кунлари бевосита жойига

чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосиде иштирок этиш истагидеги талабгорлардан аризаларни расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулкнинг бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Qoraqalpoq mulk markazi» МЧЖ савдо ташкилотчисининг ОАТ «Турон банк» Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 2049 4201 6001, МФО: 00585, СТИР: 302 129 374, ОКОНХ: 84200.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Нукус шаҳри, А.Шамуратова кўчаси, 117 «Б» уй. Тел: (0361) 222-84-44. Расмий сайтими: www.rmm.uz

Гувоҳнома №9506

Марказга адлия органлари ҳамда адвокатура ходимларининг, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш вазифалари юклатилди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ МАРКАЗИДА

ўқув машғулотлари замон талаблари асосида олиб борилмоқда

Ҳар қандай жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ислохотларнинг қонуний асосларини таъминлаш, бозор иқтисодиёти механизмларини яратиш, хусусий мулк дахлсизлигини ҳимоя қилиш, миллий давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш кўп жиҳатдан юридик кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Юридик кадрлар салоҳияти ва билими мунтазам олиб боришида эса илҳомаслашган махсус ўқув даргоҳларининг хизмати катта.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш мақсадида 1997 йил 25 июнда "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида" фармон қабул қилинган эди. 2017 йил 19 январда эса Президентимизнинг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди. Ушбу қарорда давлат органлари ва ташкилотларида мажбурий тартибда юридик хизматлар ташкил этиш белгиланди. Шунингдек, мазкур ҳужжатга кўра, давлат органлари ва ташкилотларнинг юридик хизмат ходимлари ҳар уч йилда бир марта малакасини мажбурий ошириши, ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини мунтазам юксалтириб бориши керак.

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази қайта ташкил этилди. Ушбу қарорда Юристар малакасини ошириш марказининг мақоми, мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби белгиланган. Марказга адлия органлари ҳамда адвокатура ходимларининг, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар бошқа ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш вазифалари юклатилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда Марказга янги вазифалар юкланди. Жумладан, давлат ва жамият қурилиши соҳасини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизими, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг йўналишлари ҳамда замон талаблари асосида адлия, юридик хизмат, адвокатура бўйича ҳуқуқшунос ва бошқа кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш белгиланди. Шунингдек, бошқа соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий тушунчаларини ва билимларини шакллантириш бўйича ҳам ўқишлар ташкил этиш, ҳуқуқшунослик соҳасида илмий-тадқиқотлар амалга ошириш вазифалари белгиланган. Ҳуқуқшунос кадрларга оид давлат

2003 йил 1 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Патент вакиллари тўғрисида"ги ҳамда Адлия вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Патент вакиллари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги низоми асосида "Патент вакиллари қайта тайёрлаш ўқув режаси ишлаб чиқилди ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланди. Ҳозирда мазкур ўқув режаси асосида "Давлат ва жамият қурилиши асослари", "Юридик тайёрларлик", "Интеллектуал мулк асослари", "Патент ҳуқуқи", "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар" ва "Интеллектуал мулкнинг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси" йўналишлари бўйича ўқув дастурлари тайёрланди.

Ўқув дастурлари асосида 94 мазкур бўйича Марказнинг масофавий таълим платформаси ишлаб чиқилди. Профессор-ўқитувчиларнинг асосий эътибори ўқув машғулотларини муаммолни маъруза, "блиц сўров", "давора сўхбат", "кейс стади" каби инновацион педагогик услубларидан ҳамда мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказишга қаратилмоқда.

Марказда 2019-2020 ўқув йилида 103 та гуруҳда жами 2888 нафар тингловчи ўқитилди. Уларнинг 85 нафари давлат нотариал идоралари нотариуслари, 382 нафари Давлат хизматлари агентлиги ходимлари, 798 нафари юридик хизмат ходимлари, 579 нафари адвокат, 360 нафари туман (шаҳар) адлия бўлимидаги бошлиқлари ва ходимлари, 98 нафари Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимидаги ходими, 17 нафари эса ҳуқуқий мавзуларни ёритадиган журналистлар, ахборот хизматлари раҳбар ва ходимлари, 76 нафари медиатор, 57 нафари Ички ишлар вазирлиги, 20 нафари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги И-чилик сувидаги фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ходими ҳамда 95 нафари "Ўзкомнэзорат" ходимларидир.

2018 йил 29 ноябрда Адлия вазирлигининг "Профессонал медиаторлар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низоми тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи қабул қилинди. Низоми мувофиқ, професонал медиатор – вазирлик томонидан тасдиқланган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек, професонал медиаторлар реестрига киритилган шахс ҳисобланади.

2019 йил 31 январда эса "Медиаторларни тайёрлаш Дастурини тасдиқлаш ҳақида"ги буйруқ имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг мақсади, қонунда белгиланган муносабатлар доирасида келиб чиқадиган низоларга медиацияни қўллаш учун медиаторларни тайёрлаш, уларда музокара олиб бориш технологияси, стресс ҳолати ва келишмовчиликларни бошқариш, медиация тартиби-таомили ҳақида таянч билимлар бериш, низоларни ҳал этиш бўйича амалий кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

2019 йил сентябрдан бошлаб Адлия вазирлигининг Юристар малакаси-

ни ошириш марказида медиаторларни тайёрлаш курслари фаолият юритмоқда. Марказда ҳозирга қадар 76 нафар тингловчи тахсил олиб, професонал медиатор сертификатига эга бўлди.

Тингловчиларнинг эҳтиёжлари ва имкониятларига кўра, марказ профессор-ўқитувчилари бевосита вилоятларга чиқиб сайёр ўқишлар ҳам ташкил этишди. Сайёр ўқишлар даврида тингловчилар Тошкентга келмай туриб, ўзлари яшаб турган жойда таълим олиш имкониятига эга бўлдилар. Жумладан, жорий ўқиш йилида Наманган, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида вилоят адлия бошқармалари ва Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ёрдамида сайёр ўқишларда 600 га яқин тингловчи тахсил олди.

Бугунги кунда Марказнинг масофавий таълим платформаси бўйича 52 нафар адвокат ва 95 нафар юридик хизмати ходими малакасини оширмоқда. Ушбу даргоҳда илмий фаолият ҳам ташкил этилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раисининг 2020 йил 27 февралдаги қарори билан Юристар малакасини ошириш маркази ҳузурида юридик фанлар бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгаш тузилган. Ушбу илмий кенгаш халқаро ҳуқуқ ихтисослиги бўйича диссертациялар юридик хизмат ходимлари ҳамда малакавий имтиҳонлар қабул қилиш комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Марказда ўтган ўқув йилида илмий ишлар бўйича 15 масала, ўқув ва илмий-услубий ишлар бўйича 17 масала муҳокама қилинди. Шунингдек, жорий йилда Юристар ахборотномаси электрон журнали фаолияти йўлга қўйилди. Ўқув даргоҳида давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2018-2020 йилларга мўлжалланган 4та мазкур юзасидан илмий-тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Шунингдек, ўтган ўқув йилида Марказ профессор-ўқитувчилари томонидан 9 та дарслик, монография, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди ва чоп этилди. Марказнинг халқаро ҳамкорлиги ҳам йўлга қўйилган. Ўтган ўқув йилида хорижий экспертлар иштирокида 3 та халқаро тадбир ўтказилди. Хусусан, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) вакиллари билан адвокат ва медиаторлар учун машғулот ва "Маъмурий ҳуқуқнинг умумий принциплари" мавзусида вебинар машғулотлар ўтказилди. Юристар малакасини ошириш маркази, Адвокатлар палатаси ва Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (GIZ) билан ҳамкорликда медиация бўйича икки кунлик масофавий шаклда вебинар ташкил этилди. USAIDнинг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотларини


қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси кўмагида икки нафар профессор-ўқитувчи Сингапурда малакасини оширди. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси доирасида ҳамкорлик истиқболлари юзасидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилининг (ЕХХТ) Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори билан, USAIDнинг "Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш" Дастури директори билан учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистондаги USAID (АҚШ) агентлиги билан ҳамкорликда Самарқанд вилояти адлия ходимлари, адвокатлар ва юридик хизмат ходимлар учун "Юристар малакасини ошириш: замонавий ҳолати ва келажакдаги истиқбол" мавзусида семинар тренинг ташкил этилди. Юристар малакасини ошириш марказида Малайзия Бош вазири маъмурияти ҳузуридаги Суд-ҳуқуқ тайёрларлиги институти директори А.Харун билан ўзаро мулоқот бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги ва Юристар малакасини ошириш маркази ходимларининг Германия ҳамкорлик жамиятининг Ўзбекистондаги викалтонхонаси (GIZ) раҳбари И.Пуделька билан видеоконференция шаклида мулоқоти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонда маъмурий тартиб-тамойиллар соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича истиқболдаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Марказда тингловчилар ва марказ ходимларига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида махсус бўлимлар ҳам ташкил этилган. Жумладан, Ўқув жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш бўлими, Таълим жараёни сифатини услубий таъминлаш, мониторинг қилиш ва баҳолаш, Фан, инновация ва таълим дастурларини ишлаб чиқиш, Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ва масофадан ўқитишни ташкил этиш, Халқаро ҳамкорлик, Маъмурий-ҳўжалик, Бююртмалар портфели ва маркетингнинг шакллантириш, Таҳририй-нашриёт бўлими, Бухгалтерия ва молиявий масалалар, Ахборот-ресурс маркази, Кадрлар бўйича катта инспектор ва Девонхона хизматлари йўлга қўйилган.


Қисқа қилиб айтганда, Юристар малакасини ошириш маркази замон талабларига мос равишда ташкил этилди. Яратилган шароитлар ва имкониятлар юристар малакасини сифатли ва мукамал оширишга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Баҳром АХРОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази профессори.



ИИБ ХАБАРЛАРИ

МАРИХУАНА ҚОВУРАЁТГАНЛАР УШЛАНДИ




Олмалик шаҳрида ИИО ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида 34 ёшли Х.А. 25 ёшли Б.У.га тегишли дала-ҳовлида 675 гр. "марихуана" гиёҳвандлик воситасини қозонда қовураётгани аниқланган. Қозон олдидан 1 кг. 251 гр. "марихуана" гиёҳвандлик воситаси топилиб, ашёвий далил тарихасида расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан Олмалик шаҳри бўйича ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди (гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини қўлламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар) билан жиноят иши қўзғатилган.


АБИТУРИЕНТЛАРГА

яширин алоқа воситаларини сотаётган шахс аниқланди



Самарқанд вилояти ИИБ тезкор-қидирув бўлими ҳамда Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда тест синовлари жараёнида фойдаланиши учун қўлбола усулда махсус язашиб, ички айбонларга урнатилган алоқа воситаларини абитуриентларга 100-200 АҚШ долларидан сотаётган 29 ёшли У. исми шахс аниқланди. Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси абитуриентларни тест синовларида фойдаланишда тақияланган бюумларни ўзлари билан имтиҳонга олиб кийимликларни бўйича оғоҳликка даъват этди.

"СПАРК" ВА "КАМАЗ" ТЎҚНАШУВИ



6 сентябрь кўни соат 06:00 ларда Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Ҳамза МФЙ ҳудудидан ўтган 4Р-148Б автомобиль йўлининг 5-километрида 1991 йилда туғилган С.Ф. "Спарк" русумли автомобилда ҳаракатланганда, ухлаб қолган ва қарама-қарши йўналишга ўтиб кетган. Бунинг оқибатида қарши томондан келаётган "Камаз-53212" русумли юк автомобилли билан тўқнашган.

Натижада, "Спарк" русумли автомобиль ҳайдовчиси ва йўловчи, 1991 йилда туғилган А.Н. оғир тан жароҳатлари олиб, воқеа жойида вафот этган.

Мазкур ИТҲ юзасидан терговолди суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

ТАЛОНЧИЛАР УШЛАНДИ

Қува туман Ўзбекистон кўчасига "Matiz" русумли автомобилда келган номаълум шахслар 18 ёшли Х.Т.га тегишли, жами нархи 2.000.000 сўм бўлган 2 қоп бодом маҳсулоти ва "Samsung Galaxy A20" русумли уяли телефон аппаратини зўрлик билан олиб қўйиб, ҳодиса жойидан яширишган.

Мазкур ҳолат юзасидан Қува тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми "а" банди (талончилик) билан жиноят иши қўзғатилган.

Олиб борилган тезкор қидирув ҳаракатлари натижасида мазкур жиноятни содир этишда гумонланган, 22 ёшдан 26 ёшгача бўлган опти нафар шахс ушланган. "Matiz" русумли автомобилда ҳайдовчиси И.М. ҳамда унинг шерикларидан жабрланувчи Х.Т.га тегишли "Samsung Galaxy A20" русумли уяли телефон аппарати ашёвий далил тарихасида расмийлаштириб олинган.

Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Нилуфар ТЎРАҲОНОВА,
ИИБ Ахборот хизмати ходими, лейтенант.

ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНИШИ БЕБОШЛИК ДЕГАННИ ЭМАС

Коронавирус пандемияси бошланганидан олти ой ўтгач, қўллаб-қувватлаш карантин чораларини бекор қилди. Бироқ, вирус бутун дунё бўйлаб тарқалишда давом этмоқда ва айрим давлатлар ҳамда бутун шаҳарлар яна бир бор чекловларга дуч келмоқда.

Ўтган давр мобайнида "COVID-19" инфекциясидан вафот этган беморларда касалликнинг кенши тахлил қилинганда, аксарият беморларда гиперкоагуляция – организмдаги барча томirlарда қоннинг қуолиб кетиши қузатилиб, унинг асорати бемор аъзоларида тромбоз, инфаркт, инсулт каби асоратларга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, мамлакатимизда 6 сентябрь ҳолатига кўра, "COVID-19" инфекциясидан вафот этган 345 нафар беморнинг 132 нафарини аёллар, 213 нафарини эркаклар ташкил этган.

Улимнинг ёш тоифасига кўра, 6 нафар бемор 40 ёшгача, 26 нафар 30-40 ёш оралиғида, 45 нафар 40-50 ёш оралиғида, 93 нафар 50-60 ёш оралиғида, 106 нафар 60-70 ёш, 69 нафарини 70 ёшдан катта беморлар ташкил этган.

Улим сабабига кўра, вафот этганларнинг 264 нафаридан ўткир юрак қон-томир, нафас етишмовчилиги, 10 нафаридан ўткир респиратор дистресс синдром, 8 нафаридан тромбоэмболия, 4 нафаридан ўткир миокард инфаркти ва бошқалар қайд этилган.

Ҳозирги пайтда қайси давлатлар ва шаҳарлар иккинчи марта карантин чекловларини жорий қилмоқда?

ҚОЗОГИСТОН ДУНЁДА ТАҚРОР КАРАНТИН ЧЕКЛОВЛАРИ КИРИТГАН ИЛК МАМЛАКАТ БЎЛДИ

Коронавирус тарқалиши кескин ортиб кетгани сабабли Қозоғистонда 5 июлдан икки ҳафталик карантин жорий этилган эди. Чеклов чораси сифатида минтақалар ўртасида автобуслар ҳаракати тўхтатилди ва жамоат транспортдан фойдаланиш ўз вақтида чекланди.


Шу билан бирга, халқаро ҳаво қатновлари, давлатлар рўйхатини янада қўлайтирмасдан, минтақалараро авиа ва темир йўл алоқалари сақланиб қолди.

Австралиянинг Мельбурн шаҳри яна опти ҳафта давомида чеклов режимида қоладиган бўлди. Бунга қўшни Викториа штатида коронавирис инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари кескин қўлайиши сабаб бўлди. Чоралар эълон қилинишидан бир кун олдин минтақадан ушбу касалликка чалинганлар сони 191 тага қўлайиб, 2824 кишини ташкил этди. Чекловлар озик-овқат дўконлари, ўқув муассасалари ташрифлар, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатиш ва очик ҳавода спорт ўйинлари ўтказиш ҳолатларига тааллуқли эмас.

Шу билан бирга, фуқароларга Мельбурн агломерациясидан чиқиб тақиқланади, полиция автомобиль йўлларида тўсиқлар қўяди ҳамда шаҳар ва бошқа штатлар ўртасида "қаттиқ чегара" ўрнатилди.

Исроилда коронавирис инфекцияларини сонининг қўлайиши сабабли йиғилишлар шиткорчиликларини сонини чекланиши яна кучга кирди. Спорт заллари, барлар, клублар ва байрам заллари ёпилди. Июнь ойи охирида Исроил ҳукумати уйдан ташқарида нико тақмаган одамларга жазима миқдорини оширди.

Сербия президенти мамлакат пойтахтида комендантлик соатлари жорий этилишини эълон қилди. Касалликка чалинганлар сонининг қўлайиши сабабли Сербия армияси 4 апрелдан 9 майгача вақтинча касалхона бўлиб хизмат қилган "Старк Арена" пойтахтининг маданий ва спорт мажмуасида 500 ўринли касалхонани жойлаштирди. Пойтахт ва йирик шаҳарларда касалхоналар гавжум. Мутахассислар таҳминига кўра, ноябрь ойида мамлакатда энг кучли коронавирис тўқлини қутқилмоқда. Белградда факултетада ҳолат режими эълон қилиниб, яна комендантлик соати жорий қилинди. Шаҳарда бешдан ортик кишининг йиғилиши тақиқланган. Шу сабабли пойтахтда тартибсизликлар юз берди. Мамлакатдаги



энг ёмон эпидемиологик вазият ривожланган.

КАТАЛОНИЯ ҲУКУМАТИ НИҚОБ ТАҚИШНИНГ МАЖБУРИЙ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ҚИЛМОҚДА

Испания автономияси ҳукумати коронавирис билан касалланганлар сонининг қўлайиши сабабли 200 мингдан ортик аҳолига эга Сегрия туманини (Плеида вилояти) алоҳида қилиб изоляциялади. Карантин тадбирларини бузувчилар 600 еврогача жазимга тортилади.

Мамлакатимизда беш ойдан ортик вақт давомида давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ва кўрсатмаларига мувофиқ бу хатарни имкон қадар кам талафот билан енгиб ўтиш учун барча зарур чоралар қўриб келинмоқда.

Ўз вақтида қўрилган самарали чора-тадбирлар ҳамда тиббиёт ходимларининг фидокорона хизматлари натижасида бугунги кунга келиб Ўзбекистонда коронавирис юқтирган беморларнинг кўпчилиги тузалиб, оиласи бағрига қайтди. Ҳозир Тошкент шаҳри ва вилоятларимизда вазият ихобий томонга ўзгармоқда. Яқинда Россия, Германия ва Хитойдан тақлим этилган шифокорлар ҳудудлар ўртасида тақсимлангани, хорижлик экспертлар асосан оғир

аҳволдаги касалларни энг замонавий услублар асосида, тизимли равишда даволашга жалб этилгани ўзининг яхши самарасини берди.

Пандемия сабабли бу йил жойларда катта йиғин ва оммавий сайиллар ўтказилгани, бог ва кўнгилочар майдончаларда концерт дастурлари ташкил этилиши тўхтатилди. Режалаштирилган байрам тадбирлари ҳам санитария нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилмоқда. Республикада карантин талабларини қисқартириш мақсадида давлат раҳбари томонидан берилган кўрсатмаларга мувофиқ махсус комиссиянинг навбатдаги қарори билан бир қатор карантин чекловлари бекор қилинди. Лекин шуни унутмаслигимиз кераки, агар карантин қондалари ўнгиштилган тақдирда ҳам биз унга амал қилмасак, қатъий карантин чекловлари яна қайтиши мумкин.

Шарофиддин Одилон ўғли ҲАЙДАРХЎЖАЕВ, Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультети 6-босқич талабаси, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникиси кардиоревимация бўлими шифокор ёрдамчиси.

